Вакцинация, вакцинация ва яна бир маротаба вакцинация! Жуда катта машаққатлар билан биз вакциналарни олиб келяпмиз. Бефарқ бўлмайлик, кўринмас душман ёнимизда юрибди!

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2021-yil
28-iyul
chorshanba
№ 31 (1247)

Gazeta1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

24 ОКТЯБРЬ 2021 ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ

Марказий сайлов комиссиясининг 23 июль куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига расман старт берилди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этган мажлисда Марказий сайлов комиссияси 2021 йил 24 октябрни — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилади. Сайлов кампанияси 23 июлдан бошлангани эълон қилинди.

Таниқли ҳуқуқшунос олим, юридик фанлари доктори, профессор Худоёр МАМАТОВнинг қуйида эътиборингизга ҳавола қилинаётган мақоласи сайлов ўтказишнинг халқаро тамойиллари ва миллий нормаларига бағишланган.

ЭРКИН ВА АДОЛАТЛИ САЙЛОВ – ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида: “Халқнинг хоҳиш-иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асосини ташкил этиши керак, бу хоҳиш-ирода даврий ва сохталаштирилмаган сайловларда ўз ифодасини топиши лозим” деб мустаҳкамланган.

Сайловларнинг даврийлиги ва мажбурийлиги принципи Ўзбекистон қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланади. Ёки бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисидаги конституциявий қонунларнинг 5-моддасида тегишинча Қонунчилик палатасининг ваколат муддати — беш йил. Сенатнинг ваколат муддати — беш йил этиб белгиланган. Ушбу нормалар Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 61-, 67- ва 75-моддаларида ҳам ўз аксини топган. Юқоридаги қонун талабларига мувофиқ ҳар беш йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайлов ўтказилиши шарт. Бундай ваколат муддатининг аниқ белгиланганлиги ва даврийлиги одатда жаҳон амалиётига тўғри келади ҳамда сайловолди дастурларининг асосий йўналишларини амалга ошириш, фаолиятнинг амалий натижаларини кўриш имконини беради ва давлат ҳокимияти органларининг янгиланиши даврийлигини таъминлайди.

Ушбу демократик тамойилга амал қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан 2021 йил 23 июлда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш кунини белгилаш ва сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида” қарор қабул қилинди.

2-б.

УЙҒОҚЛИК

Бутун дунёда ўзининг мисли кўрилмаган салбий оқибатлари билан давом этаётган коронавирус балоси мана, иккинчи йилдирки давом этмоқда. Бу офат ҳали яна қанча давом этади, вақтлар ўтиб бутунлай йўқолиб кетадими, инсоният ундан тўла халос бўладими ёхуд доимий “эҳтиётимизни қилиб” юришимизга тўғри келадими, аниқ бир нарса дейиш қийин. Шу нарса аниққи, коронавирус касаллиги бўйича дунёдаги вазият ҳамон мураккаблигича сақланиб турибди. Бугун Ер юзида коронавирусга чалинганлар сони 194 миллиондан ошди. Айни пайтда касаллик тасдиқланган ҳолатлар бўйича ҳамон АҚШ биринчи ўринда. У ерда ҳозиргача 34,44 миллиондан ортиқ киши коронавирус инфекциясини юқтирган.

Кейинги оғир ҳолат Ҳиндистон (31,4 миллиондан ортиқ), Бразилия (19,7 миллиондан ортиқ), Россия (6,2 миллиондан ортиқ), Франция (5,9 миллиондан ортиқ) каби давлатларда қайд этилган.

Вакцинация: МИШ-МИШЛАРГА ИШОНМАНГ!

Мамлакатимизда ҳам айни кунларда афсуски, пандемия бошлангандан бери коронавирусдан кунлик касалланиш бўйича энг юқори антирекорд қайд этилди. Жорий йилнинг 26 июль ҳолатига кўра, касаллик аниқланганлар сони 125784 (+789) нафарни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, бир кун давомида 521 нафар кишида пневмония аниқланган. Шунингдек, 6 нафар коронавирусга чалинган бемор вафот этиб, касалликдан вафот этганлар сони 845 нафарни ташкил этди.

Бирдан бир чора эса ҳозирча касалликка қарши турадиган ҳимоя — унга қарши вакцина қабул қилиш бўлиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 23 июлида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида жорий йилнинг август ойида АҚШда ишлаб чиқилган коронавирусга қарши вакцинадан 3 миллион доза республикамизга олиб келиниши ҳақида гапириб ўтган эди.

Дарҳақиқат, Америка Қўшма Штатларида ишлаб чиқарилган “Moderna” вакцинасидан 3 миллион 60 минг доза вакцина COVAX жамғармаси доирасида республикамизга олиб келиниши кутилмоқда. “Moderna” вакцинаси (м-РНК-1273) АҚШнинг биотехнология компанияси томонидан ишлаб чиқарилган. Вакцина COVID-19 га нисбатан самарадор деб баҳоланган ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан коронавирус пандемияси билан боғлиқ фавқулодда ҳолатларда қўллашга тавсия қилинган.

Мазкур вакцинани ҳам 18 ёшдан катта бўлган барча аҳоли қатлами орасида қўллаш мумкин. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасида ушбу вакцина ишлаб чиқарувчи ташкилотнинг ёрлиғи (эслатмаси)га мувофиқ, 18 ёшдан катта бўлган аҳоли қатлами орасида ишлатилади.

Вакцина 28 кун оралиқ билан икки маротаба елкадаги делтасимон мушак орасига 0,5 мл миқдорида юбориш (эмлаш) орқали амалга оширилади.

Жонс Хопкинс университетининг сўнггги маълумотларига кўра, дунё бўйича ҳозиргача коронавирусга қарши 3 миллиард 885 миллиондан ортиқ доза вакцина қўлланилган.

Айтиш жоизки, бугун касалликка қарши эмлаш — вакцина қабул қилиш дунёнинг барча давлат-

3-б.

МУТОЛАА

Навоий – 30

Шундай адиблар бўладики, аҳли мутолаа уларнинг янги асари чоп этилаётганини эшитса, тамом – оромини йўқотади. Топиб ўқимагунича тинчимайди. Топса, беихтиёр қўлма-қўл қилиб ўқийди. Таассуротларини катта-кичик давраларда бир-бирига сўзлаб беришдан чарчамайди.

Таниқли ёзувчи Хайриддин Султон ҳар бир асарини ўқувчилар интизор бўлиб кутадиган ана шундай хассос адиблардан.

Сизга тақдим этилаётган ушбу китобнинг қўлёзмаси ҳали босмахона юзини кўрмасидан газетхонамизга қўнғироқлар бошланган эди: “Китобни қандай топсак бўлади?”

“Машҳур пресс” нашриётида куни кеча чоп этилган мазкур асарини адиб “Навоий – 30” деб атаган ва унга “Жанри йўқ китоб” деб ғайриоддий изоҳ берган. Бироқ бизнинг назаримизда, бу ўринда китобнинг жанри муҳим эмас. Муҳими – “Навоий – 30” самимият, меҳр-оқибат, поклик ва ҳалоллик, инсоф-диёнат каби юксак инсоний туйғуларни баланд пардаларда тараннум этадиган, завқу шавқ билан ўқиладиган, ибратли асар эканида.

Китобда ёлғон, тўқима нарсанинг ўзи йўқ. Бир қарашда ичакузди ҳангомаларга ўхшаб кетадиган бадиаларнинг бари — ҳаётий. Айрим ҳикояларда эса машҳур ижодкорлар бошига тушган дарду фожиалар, ҳар қандай одамни ҳам ўйлантириб қўядиган тақдир синовлари чуқур изтироб билан қаламга олинади...

Қолаверса, устоз адиблар — Миркарим Осим, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Сарвар Азимов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ваҳоб Рўзиматов, Машраб Бобоев ва бошқа кўплаб улуғ истеъдодлар ҳаётидан олинган турфа хил ҳикояларни ўқиб, ўзингизни беихтиёр уларнинг даврасида юргандек, гўзал ва файзиёб суҳбатларидан баҳраманд бўлаётгандек ҳис этасиз.

Энг асосийси, китобни ўқиб ҳузур қиласиз, маънавий қаноат ҳосил этасиз. Тўймайсиз. Яна китоб ўқигингиз, ундан бошқаларни ҳам баҳраманд этгингиз келаверади.

Севимли адибимизни янги асар билан самимий табриклаган ҳолда, газетамизнинг 7-саҳифасида муаллифнинг китобга ёзган Сўзбошисини ҳамда айрим ҳикояларини ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз.

7-б.

ҲИММАТ

Тарки одат — амри маҳол дейдилар, билган ва кўрган воқеаларим қалбимга тинчлик бермади. Гарчи маҳалла раиси, онахонларнинг яқинлари ҳазрати Жалолиддин Румийнинг “Фиҳи мо фиҳий”, яъни “Нимаки унададир — ундандир,” деган улуғ ҳикматларини эслатишса-да, бу воқеадан шунчалик мутаассир бўлдимки, уни муштарийларимизга улашишни лозим, деб билдим. Бу ҳақда сал кейинроқ...

ОНАЖОНЛАР, РАНЖИМАНГ!

Ёки садоқатнинг, эътиқоднинг, эзгуликнинг чегараси бўлмайди

Абдулла Қаҳҳорнинг “Кампирлар сим қоқди,” номли ҳикоясини ўқигансиз. Кампирлар ишлашиб, режани бажаришгач, марказқўмгача жар солиб “рапорт” — билдирги беришади. Ҳа, энди бу мустабид тузум маънавий мафкура(идеология)сининг ўзига хос бадиий “қизил портрети,” деса ҳам бўлади. Аслида-чи, аслида ўзини кўз-кўз қилиш миллатимиз феълига, менталитетига мутлақо хос бўлмаган нарса. Улуғ боболаримиз ўнг қўлинг берганини, чап қўлинг билмасин, деган ҳикматни бежиз айтишмаган. Болалик пайтларимизда Сурхон воҳасининг Кўҳитанг тоғ этакларида яйраб қўй боққанмиз. Ўтган асрнинг 50- йилларида бешқўтонлик чорвадорлар эрта баҳордан ана шу ерларни макон қилишарди. Айниқса, баҳор серёғин келганда Кўҳитанг қир-адирлари жуда жозибали ва тароватли бўлиб кетарди. Ўсимлик дунёси чорвага жуда юқумли ва порам бўлади. Ундаги ҳар бир тепалик, сой ва жилғалар болалик ҳайрати билан юрагимиз қатларига муҳрланган. Адир этагида харобгина Музработ ота қабристони бўларди. Биз у ерда мол боқиш тугул яқинлашишга ҳам юрагимиз дов бермасди. Бешқўтон чўлига мустақилликдан сўнг ана шу қабристоннинг номини беришганда анча пайтгача ўзимга келолмаганман.

6-б.

ЮЗМА-ЮЗ

ХАЙРУЛЛА ҲАМИДОВ:

“ЖУРНАЛИСТЛАР КЎПРОҚ ОҒИР КУНЛАР УЧУН ЯРАЛГАН ИНСОНЛАРДИР”

Суҳбатдошимиз — Хайрулла ҲАМИДОВ. Таниқли журналист, Ўзбекистон миллий телевидениесининг спорт шарҳловчиси. Ҳаётда анча-мунча шукуҳли дамлар билан бир қаторда, синовли кунларни ҳам бошидан кечирган ҳамкасбимиз билан журналистика, матбуот заҳматлари, ўзбек футболи ҳамда шахсий ҳаёти борасида самимий суҳбат қурдик.

— Хайрулла ака, рухсатингиз билан, суҳбатимизни журналист касби ҳақида, унинг ўрни хусусидаги саволдан бошламоқчиман. Кўп йиллардан бери соҳада ишлаб келаётган журналист сифатида айтинг-чи, бу касбни танлаганингиздан хурсандмисиз?

— Севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуф: “Шоирлик, бу қисматдир”, деган эди. Менимча, журналист бўлиш ҳам — қисмат. Табиатан бир-бирига яқин инсонларгина журналист бўлиб етишадилар. Ёшлигида жамият тарозисини ички руҳи билан ҳис қилганларгина қўлларига қалам оладилар. Албатта, журналистикага қизиқиб, кейин бу соҳанинг ҳақиқий вакили бўла олмаганлар талайгина. Лекин барибир ўша чин журналист бўла олмаганлар ҳам ёшлигида тенгқурларидан ажралиб турган, деб ўйлайман.

4-б.

ЭРКИН ВА АДОЛАТЛИ САЙЛОВ – ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

1-б.

Қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 2021 йил 24 октябрь куни ўтказилиши белгиланди ва сайлов кампанияси жорий йил 23 июлдан бошланганлиги эълон қилинди. Шу тариқа, мамлакатимизда эркин ва адолатли, очиқ ва ошкора сайлов бошланди.

Эркин сайлов ҳуқуқи сайловчиларга ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчиларига ҳеч қандай таъсирсиз, зўравонликсиз, зўравонлик ишлатиш таҳдидисиз ёки бошқа ноқонуний таъсирсиз ўзининг сайловда иштирок этиши ёки иштирок этмаслиги хусусида қарор қабул қилиши, овоз бериш жараёнида ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши ва ҳеч қандай назоратсиз, яширин овоз бериши учун имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 7-моддасига асосан сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди. Яширин овоз бериш сайловчининг хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади. Бюллетень тўлдиришда овоз бериш хонасида сайловчидан ташқари бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

Эркин сайлов ҳуқуқи сайлов жараёнининг иштирокчиларига, сайлов комиссияси аъзоларига сайлов натижалари ва овоз бериш натижалари қандай бўлишидан қатъий назар жазоланишдан ёки таъсир кўрсатишдан қўрқмасдан қонунда йўл қўйилган шаклларда ва қонуний усулларда қарор қабул қилиш имконини беради.

Сайлов кодексининг 11-моддасига мувофиқ сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади. Сайлов комиссияларининг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Сайлов кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Адолатли сайлов принципини татбиқ этиш учун мамлакатимиз сайлов қонунчилигида барча ҳуқуқий асослар яратилган. Бундай сайловлар сайлов жараёни барча иштирокчиларига сайловда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий шароитларни таъминлайди.

Сайловнинг очиқ ва эркин ўтишини амалга ошириш мақсадида Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил 23 июлда бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Матбуот марказининг низоми тасдиқланди. Шу куннинг ўзида Матбуот марказининг очилиш ва тақдимот маросимлари бўлиб ўтди.

Қарорда белгиланганидек, Матбуот маркази Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ брифинглар, матбуот анжуманларини тайёрлаш ва ўтказиш, журналистларга ва жамоатчиликка сайловга оид масалалар бўйича тезкор ахборот бериб бориш ва маълумотларни етказиш ишларини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид ахборот материалларини сайловчиларга, номзодларга, кузатувчиларга ва кенг жамоатчиликка етказиш бўйича “Saylov – 2021” веб-порталини ва бошқа ахборот-ресурсларини юритилишини таъминлайди.

Даврийлик принципига амал қилган ҳолда сайлов ўтказиш демократик жамиятнинг белгиси ва шартидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилганидек, “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”. Ҳақиқатан, демократияни сайлов ҳуқуқининг умумэътироф этилган принципларга мувофиқ ўтказиладиган ва демократик тусга эга сайловларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, демократия — бу халқ ҳокимиятчилиги демакдир.

Шундай экан, давлатни идора этишда халқ бевосита ёки билвосита иштирок этиши лозим. Давлат ҳокимиятини, унинг органлари ва институтларини шакллантириш учун очиқ-ошкора, эркин ва адолатли сайловлар ўтказилиши керак. Бундай сайловларда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода қилиши учун барча шароитлар, ҳуқуқий кафолат таъминланиши зарур.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 21-моддасида шундай дейилган: “Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир инсон ўз мамлакатида давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эга”.

Хўш, миллий сайлов қонунчилигимизда юқоридаги ҳуқуқ нечоғли таъминланган? Бунинг учун, аввало, Конституциямизга мурожаат қиламиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканликлари, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилиши белгиланган.

Конституциянинг 117-моддасида қайд этилганидек: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар”.

Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг боришини ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боришлари, сайлов комиссияларининг мажлислари очиқ ўтказилиши, уларнинг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши ёки қонунда белгиланган тартибда ҳаммага маълум қилиниши лозим.

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шунингдек, сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширадилар. Сайлов комиссияларининг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди. Сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятида мамлакат Конституциясига, Сайлов кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ва қадриятларига зид бўлмаган халқаро ҳуқуқда умумэътироф этилган демократик нормаларнинг миллий қонунчилигимизда акс этганлигини яна кўплаб мисоллар орқали ёритиш мумкин. Зеро, Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига содиқлигини бутун дунёга эълон қилар экан, ўзи ратификация қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳужжатларда белгиланган асосий қоидаларни миллий қонунчиликка тўлиқ имплементация қилиб келмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи кўп жиҳатдан унда амал қилаётган сайлов тизимининг очиқ ва ошкоралигига, халқаро ҳуқуқда умумэътироф этилган демократик нормаларга мувофиқлигига ҳам боғлиқ. Чунки сайловга кучли фуқаролик жамиятига эга бўлган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шакли сифатида баҳо берилади.

Хулоса ўрнида айтганда, инсонпарвар адолатли ислоҳотлари, очиқлик ва ошкоралик сиёсати, минтақада ва бутун дунёда тинчлик ва тараққиётни таъминлаш бўйича долзарб ташаббуслари туфайли халқаро ҳамжамиятда эгаллаган муносиб ўрни йилдан-йилга мустаҳкамланиб, нуфузи юксалиб, бутун дунёга ижобий имиджи билан танилаётган, миллий юксалиш сари дадил қадам ташлаган жонажон мамлакатимиз – Ўзбекистонда халқаро сайлов стандартларига мувофиқ, эркин ва адолатли, очиқ ва ошкора сайлов ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига старт берилди. Бу жараёнда фаол иштирок этиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Худоёр МАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси котиби.

ОЧИҚЧАСИГА АЙТГАНДА

Мана олий таълим муассасаларига қабул жараёни ҳам якунланди. Кимлардир имтиҳон кунлари яқинлашиб, тезроқ талаба бўлишга ошиқаётган бўлса, кимлардир неча йиллардан буён орзу қилиб келаётган режалари чилпарчин бўлганидан хафа. Сабаби ҳар бир ўғил-қиз болалигидан қайсидир касбга меҳр қўйиб, ана шу касбни эгаллашга ҳаракат қилади. Бу йўлда анча илгарироқ ўқиш ва изланишни бошлаб, пухта тайёргарлик кўради. Аммо энди мақсадга эришдим деганда қандайдир “Янгилик” сабаб ҳаммаси чиппакка чиқса-чи? Бу қайси одамга таъсир қилмайди дейсиз?

ЎЗГАРТИРИШЛАР ТЎСИҚ БЎЛМАСИН

Сўзни очиқроқ давом эттирадиган бўлсак сўнгги вақтларда олий таълимдаги ўқишга қабул қилишдаги ўзгаришлар, ёшлар учун енгиллик ҳамда янада яхшилик бўлишини кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳаммани ҳам бирдек қувонтираётгани йўқ. Қайтанга бир неча йиллардан буён қунт билан ўқиб-ўрганаётган бир қатор ёшларнинг тақдирининг буткул ўзгариб кетишига, қатъий норозиликларга сабаб бўлаётгани тўғрироқ.

Ўтган шу мавсумда журналистика йўналишига ҳужжат топширган абитуриентлардан пандемия сабабли деб амалий имтиҳонлар олинмади. Ҳайриятки, бундан ҳеч қандай йўқотишлар кўрмадик. Сабаби тест топширадиган фанларимиз аввалдан маълум бўлганлиги боис бу томондан ҳам яхшигина тайёргарлик кўргандик. Аммо айрим йўналишлар бўлдики имтиҳонга қисқа муддат қолганда синов ўтказиладиган фанлар тамомила ўзгариб кетди.

Бир дўстим Тошкент давлат юридик университетига талабалик ёшига етишидан 2-3 йил илгарироқ тайёргарликни бошлаган эди. Бу ерга кириш имтиҳонлари она тили ва тарих фанларидан бўлганлиги учун шуларни ўқиб юрарди. Кейинроқ синов фанлари ўзгариб, инглиз тили ва она тилидан ўтказиладиган бўлиб қолди. Ҳа майли деди-ю, анча ўзлаштириб олган тарих фанининг ўрнига инглиз тилидан тайёргарликни бошлади. Вақт кам қолганлиги боис янги фанни шунақанги берилиб ўрганардики, кўриб ҳавас қилардингиз. Ёшлигидан ҳаммага “прокурор бўламан” дердида, ахир. Аммо “саргузаштлар” ҳали тугамаган экан. Шу десангиз, синов фанлари яна тарих ва инглиз тилига ўзгариб дўстимнинг бу билим юртида ўқишга бўлган қизиқиши буткул совиди. Тўғрида, қайсидир тўсиқдан ўтишга жон бериб тайёрлансанг-у, шартлар ўзгараверса, кимнинг ҳафсаласи пир бўлмайди. Шу бўлди дўстимиз ўзимизнинг вилоятимиздаги ФарДУнинг тарих йўналишида ўқишга қарор қилди. Тарих ва она тили фанларини ўрганишни яна давом эттирди. Аммо қабул жараёни бошланишига яқин аниқроғи олти ой қолганда, яъни декабрь ойида бу йўналиш синовларида ҳам ўзгариш бўлиб тарих ва география фанларидан олинадиган бўлди. Бунга нима дейсиз энди, атайлаб абитуриентларнинг устидан кулгандек қилинаётган бу ўзгаришлар кўпчиликни қийин аҳволга солиб қўйишини наҳот ўша таълимдаги ислоҳотчилар ўйлашмаса? Майли, ўтган йилги гапни қўйинг энди, дерсизлар. Аммо бу каби “ғамхўрликлар”га жорий йилда ҳам дуч келинмоқда. Юқоридагидек ечимсиз йўлга кириб қолган абитуриентлар вазирликка мурожаат қилсалар-да бирор жавоб бўлмаётганидан дили хуфтон бўлиб, арз-додини кимга айтишни билмаяпти. Келинг, сўзимизни қуруқ қилмайликда магистратура бўйича ўқишини давом эттирмоқчи бўлган ёшлардан бирининг мурожаатидаги сўзларни ўзингиз ўқиб кўринг:

Жамшидбек ШАВКАТОВ ФарДУ география йўналиши битирувчиси: Ассалому алайкум! Менинг мурожаатим турдош йўналишларнинг янги ўзгартирилган жадвали бўйича. Мен география йўналишини битирдим. Аввалги йилда бу йўналиш турдошлари кўп бўлган эди (2019-2020 йилда). Бу йил янги тасдиқланган турдош йўналишларга кўра амалий география (соҳалар бўйича), география (ўрганиш объектлари бўйича) ҳамда аниқ ва табиий фанлар ўқитиш методикаси (география) бўйича этиб белгиланибди. Биз таълимнинг бакалавр турини ўқиш жараёнида геология, геодезия ва картография, гидрология, мелиорация каби фанларни бир-бир ярим йил давомида мутахассислик фани сифатида ўргандик. Энди бу соҳаларга топшира олмаймизми? Нима учун бундай янгиликларни, ҳамма ўз соҳасини танлаб бўлгандан кейин, ўқишга топшириш пайтида чиқариладими? Уч кундан сўнг ўзгартиришлар киритилади деганда, умидим уйғонганди деярли ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган. Бундан кейин бундай янгиликларни беш йиллик ёки бундан ҳам кўп йилга этиб қабул қилинса, кейингилар ҳам аросатда, нима қилишини билмай ўтиришмасди.

Тўғри, айрим соҳалардаги эскирган қонун-қоидаларни бугунги кунга мослаб қайта кўриб чиқиш замон талаби. Бироқ яна айрим йўналишлар борки уларда йилнинг исталган вақтида ҳам ўзгартираверишга ярамайди. Жумладан, таълим тизимида ҳам. Фикри ожизимизча бундай ўзгаришлар ўқув йили бошларида амалга оширилса ҳар томонлама фойдали бўлар эди. Шундагина ёшлар учун енгиллик бўлсин деб қилинаётган ишлар уларга тўсиқ каби кўринмайди.

Камолиддин РЎЗИМАТОВ .

ИЖОДИЙ САЁҲАТ

НАВОИЙДА НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

Яқинда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалиги майдонларининг сув таъминотини яхшилаш чоралари юзасидан йиғилиш ўтказган эди. Унда насос станцияларини модернизация қилиш орқали қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш масалалари муҳокама қилинганидан хабардорсиз, албатта.

Маълум бўлишича, юртимизда 1687 та насос станцияси мавжуд. Шундан 299 таси эскирган бўлиб, улар билан суғориладиган ерларнинг республикамиз бўйича 80 минг гектари фойдаланишдан чиқиб кетгани, 607 минг гектарида сув таъминоти ёмонлашганлиги қайд этилди.

Мазкур йиғилишда алоҳида қайд этилганидек, бир нечта вилоятлар қаторида Навоий вилоятида ҳам маълум миқдордаги насос станцияларини модернизация қилиш режалаштирилди. Бу албатта жуда катта харажатларни талаб этадиган, аммо юртимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини янада ривожлантириш борасидаги зарур ва оқилона ишлардан биридир.

Зеро, нафақат мамлакатимизда, балки дунёнинг аксарият юртларида сўнгги йилларда сув тақчиллиги кузатилмоқда. Шу боис республикамизда сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси тасдиқланган бўлиб, бу борада жойларда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу жараёнлар билан журналистларни яқиндан таништириш мақсадида Ўзбекистон Журналистлари ижодий Уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамда Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳамкорлигида Навбаҳор туманида қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологиялар ҳамда насос станциялари фаолиятини ОАВ вакилларини яқиндан таништириш мақсадида прес-тур ташкил этилди.

Унда ОАВ вакиллари, республика нашрларининг вилоятдаги мухбирлари иштирок этди.

Журналистлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан модернизация қилинадиган Навбаҳор туманидаги насос станциялари фаолияти билан танишишди.

Дастлаб Қалқон насос станциясида бўлишди. Мазкур станция 1976 йилда ишга туширилган бўлиб, унда 6 дона 24 НДН насос агрегати мавжуд. Умумий сув чиқариш қобилияти эса 5 м³/секундни ташкил қилади. Насос станция орқали ўнг қирғоқ канали суви 18 метр баландликка чиқарилиб, 4600 гектар ер майдони сув билан таъминланяпти. Мазкур насос станциясининг модернизация қилиниши, суғориладиган майдонларни янада кенгайтириб, уларни замонавий суғориш тармоқлари билан таъминлаб, электр-энергия сарфини ҳам камайтиришга олиб келади.

Пресс-тур иштирокчиларининг кейинги манзили 2020 йил янги модернизация қилинган Навбаҳор туманидаги Конимех-1 насос станцияси бўлди.

“Конимех-1” насос станциясида 8 дона SXK 900-1050 насос агрегати мавжуд бўлиб, бу станциянинг умумий сув чиқариш қобилияти 3 м³/секундни ташкил қилади. Айни пайтда насос станция ўнг қирғоқ канали сувини 24 метр баландликка чиқариб, 21 минг 600 гектар ер майдонини “обиҳаёт” билан таъминламоқда.

Журналистлар “Конимех-1” насос станциясида олиб борилаётган ишлар, қувватлар билан ҳам яқиндан танишдилар. Мазкур замонавий станция сув миқдорини “онлайн” режимда мониторинг қилиш ускунаси билан таъминланганлиги ва унинг имкониятлари мутахассислар томонидан етарлича маълумотга эга бўлдилар.

ОАВ вакиллари, Навбаҳор тумани “Навкар” маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган “Nevagrosistem” фермер хўжалиги фаолияти билан ҳам танишиб, хўжалик майдонларига жорий этилган томчилатиб суғориш технологиясининг афзалликларини кўздан кечиришди.

Хўжалик томонидан 2021 йил пахта ҳосили учун 18,3 гектар ер майдонига томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинган бўлиб, бу ижобий самараларини кўрсатмоқда. Энг муҳими, сув сарфи тежаляпти. Иштирокчилар хўжалик майдонларидаги бу жараён билан бевосита танишдилар.

Шундан сўнг кун тартиби масалалар бўйича пресс-тур иштирокчилари учун мазкур фермер хўжалиги шийпонида матбуот анжумани ташкил этилиб, анжуманда Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқарма бошлиғи ўринбосари О. Садинов сув тақчиллиги ва унинг олдини олиш бўйича вилоятда кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берди.

— Президентимизнинг қарорларига асосан Навоий вилоятида маънан эскирган 5 та насос станцияларида модернизация ишлари олиб борилади. Хусусан, Навбаҳор туманидаги “Қалқон”, “Жамбул”, Қизилтепа туманидаги “Маликчўл”, Хатирчи туманидаги “Тосс” ҳамда “Кўксарой” станциялари замонавий технологиялар билан таъминланади, — дейди Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқарма бошлиғи ўринбосари Отабек Садинов.

Пресс-тур доирасида ташкил этилган матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олишди.

Отабек АСЛОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Навоий вилояти бўлими раиси.

Вакцинация: МИШ-МИШЛАРГА ИШОНМАНГ!

1-б.

ларида жадал амалга оширилмоқда.

Мисол учун, Японияда.

Бу юртда аҳолининг аксар қисми эмлаб бўлинган. Бу жараёнда етакчилик қилаётган Хитой, Ҳиндистон, АҚШ, Бразилия, Германия, Буюк Британия, БАА, Франция, Туркия, Италия каби ривожланган мамлакатларда ҳам аҳоли онгли равишда жадал амалга оширилмоқда. Лекин касалликка эмлаш билан боғлиқ ҳолатларга билиб-билмай ижтимоий тармоқларда турли ноўрин гап-сўзлар, қарши талқинлар ҳам давом этаётгани сир эмас. Бу эса фуқароларнинг нотўғри тушунчага эга бўлишига сабаб бўлаётгани сир эмас. Жумладан, юртдошларимиздан бири қуйидагича савол билан мурожаат қилган:

"Ижтимоий тармоқларда "беморнинг елкасидаги делтасимон мушагидан магнит билан металл парчасини тортиб кўриш, кейин уни лезвия билан кесиб чиқариб олиб, вакцина билан организмга киритилаётган "чип" сифатида талқин қилиш ҳолати" намойиш этилаяпти. Шунга муносабат билдиришингизни сўраймиз".

Нима эмиш, шундай қилиб, яъни ушбу видеолавҳа "ташвиқоти"да айтилишича, эмлаш баҳонасида одам организмига "чип" қўйилиб, уни шу тариқа бошқариш кўзда тутилаётган экан.

Бу гапга кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсан киши. Жуда мантиқсиз. Озгина тафаккури бор ҳар қандай одам дарров фаҳмлай олади.

Қолаверса, ушбу видеолавҳани мен ҳам томоша қилдим. Назаримда қачондир беҳосдан кириб кетган металл парчасини чиқариб олиш жараёнини намойиш этишган. Муаллифлар зинҳор бу лавҳани бошқа мақсадда ёзиб олишмаган. Фақат уни коронавирусга қарши эмланиш билан боғлаш, бошқа шахсларнинг ташаббусидангина иборат. Табиатда суюқ металл фақат симоб бўлиши мумкин, бошқа металларни (дейлик темир) эриган ҳолда организмга киритиб, кейин қотган ҳолга айлантириш мумкин эмас. Темирни организмга эритиб (қандай ҳароратда эрийди) организмга киритишни тасаввур қилиб кўринг. Агар видеода намойиш этилгандек жисмни организмга киритмоқчи бўлсангиз, унда игнанинг диаметри камида шарикли ручканинг стержнидек бўлиши керак. Лекин коронавирусга эмланаётган вакцина оддий шприц орқали йўналтирилади-ку! Шундан ҳам кўринадики, ҳар бир инсон, аввало, мутахассис маслаҳатига қатъий амал қиладиган бўлса, асло адашмайди.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб 212 665 доза COVID-19га қарши вакцина қўлланилди. Улардан:

1-босқич эмланганлар 145 826 нафарни;

2-босқич эмланганлар 44 907 нафарни;

3-босқич эмланганлар 21 932 нафарни ташкил этади.

Айни пайтгача республикамизда жами 6 551 554 доза вакцинадан фойдаланилди. Улардан:

1-босқич эмланганлар 4 201 493 нафарни;

2-босқичда эмланганлар 1 693 153 нафарни;

3-босқич эмланганлар 656 908 нафарни ташкил қилди.

Демак, шу кунгача тўлиқ эмланган юртдошларимиз 1 099 618 нафарга етди.

Аммо кейинги пайтларда юртдошларимизнинг кўпчилиги кўчада ниқобсиз юрганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Айримлар эса азбаройи жарима солишмасин, деб ниқобни иягига тушириб олган. Ижтимоий тармоқларга кирсангиз ақл ўргатадиганлар сероб. Одамларни уйга "қамаш", қатъий карантин чекловларини амалга ошириш лозимлигини уқтираётганлар қанча. "Давлат қаёққа қараяпти?", "Махсус комиссия нима иш билан шуғулланяпти?" деб бонг ураётганлар кўпаймоқда.

Лекин ўйлаб кўрайлик: саломатлигимизни, биринчи галда ўзимиз қадрламас эканмиз, айни шароитда мажбурий чекловлардан бирор натижага эришишимиз мумкинми? Шуни унутмаслигимиз керакки, ҳозирги кунда коронавирус инфекцияси билан боғлиқ дунёдаги пандемик вазиятни барқарорлаштирадиган, унга қарши самарали ечим — вакцинадан кўра ишончли восита йўқлигини кўрсатмоқда. Тўғри, эмлангандан кейин ҳам вирусни яна қайта юқтирмасликка тўлиқ кафолат бериш қийиндир. Аммо айнан эмланган фуқаролар касаллик аломатларини анча енгил ўтказаётганлигини эътиборга олиш керак.

Шундай экан, юртдошларимиздан коронавирусга қарши вакциналар олишда турли асоссиз миш-мишларга ишониб қолмасликларини сўрар эдик.

Нурмат ОТАБЕКОВ,
Республика Санитария эпидемиология осойишталик маркази ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи ўринбосари.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА

Коррупцияда айблангани айтилаётган суд раиси "йўқолиб" қолди

Саволлар аниқ, лекин Давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари буни (ҳозирча. Таҳр.) сир сақламоқда.

Rost24.uz сайти ишончли манбасининг маълумот беришича, Жиззах вилоятидаги туман судларидан бирининг собиқ раиси қидирувга берилган. Шахснинг қидирувга берилгани унга нисбатан жиноят иши қўзғатилганини билдиради.

Собиқ суд раисига коррупцион ҳолат бўйича жиноят иши очилган бўлиши мумкин. Аммо бу маълумотни расмий равишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан аниқлашнинг имкони бўлмаяпти.

Rost24.uz сайтидан қисқартиришлар билан олинди.

ЭЪЗОЗ

ФАХРИЙ ЖУРНАЛИСТЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Қашқадарё вилоят бўлими раиси Галовиддин Юлдошев ва уюшма "Нуронийлар" жамоатчилик кенгаши раиси Шавкат Султоновлар яқинда фахрий журналист Сайдали Набиев хонадонида бўлиб, унга уюшманинг янги нусхадаги аъзолик билетини топширди.

1951 йилда Қарши туманидаги Хониён қишлоғида таваллуд топган Сайдали Набиев бугунги кунда кексалик гаштини сурмоқда. У 1974 йилда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тугаллаб, бир муддат "Қашқадарё ҳақиқати" (ҳозирги "Қашқадарё") газетасида ишлаган. Сўнг Ўзбекистон телерадиокомпаниясида "Ахборот" информацион дастурининг Қашқадарё вилоятидаги мухбири сифатида фаолият юритган.

— Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзолигига қабул қилинганимга ҳам салкам 40 йил бўлибди, – дейди фахрий журналист. – Ёшим 70да. Уюшманинг вилоятдаги раҳбари ва нуронийлари етакчиси бир неча марта келиб ҳолимдан хабар олгани кўнглимни тоғдек кўтарди...

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими вакиллари вақти-вақти билан фахрий журналистлар ҳузурида бўлиб, улар билан дилдан суҳбат қилишмоқда.

Ҳ. ҚОДИРОВ.

МУАММО

ДЕВИАНТ ХУЛҚ

қўлимизда унга қарши нима бор?

Метро. Чипта олиш учун касса олдида навбат кута бошладим. Одам гавжум. Атрофимдагиларнинг аксарияти ёшлар. Бир маҳал ён томонда шовқин кўтарилди ва ҳамманинг эътибори ўша ёққа йўналди. Икки йигитнинг овози баландлади. Навбатнинг охиридалигим учун нима бўлаётганини англолмадим. Кейин билсам, йигитларнинг бири навбатни бузган, иккинчиси бунга эътироз билдирган. Афсуски, шу арзимас сабаб туфайли улар ёқалашиб, бир-бирига ҳурматсизлик қилганча бўралатиб сўкинишарди. Одамлар орасидан сурилиб-сурилиб касса олдига келдим-да, чипта олганча метрога югурдим...

Метрода поезд кутаётган ўзим тенги икки ёшнинг кийинишию ўзини тутиши эътиборимни тортди. Қўл ушлашиб олган ўсмирларнинг иккиси ҳам калта иштон (шортик) ва енги очиқ кийим (майка) кийиб олган. Йигитнинг қўли ва калталанган сочининг ён қисмига маҳорат билан аждар расми чизилган татуировка; қизнинг эса ярим-яланғоч танаси, шиширилган лаблари, ўзига ярашмаган кийимларию оғзидаги сақични чапиллатиб чайнаши, энг ёмони, безбетларча қучоқлашиб туриши эътибор тортмасдан қолмасди. Ён-веримга қарасам, бир мен эмас, кўпчиликнинг диққати уларда. Айниқса, мактаб ўқувчилари уларга суқланиб тикилиб турарди. Аёллар пичирлашишарди. Эҳтимол, уларнинг тарбия берган ота-онасига "раҳмат" айтаётгандир...

Ниҳоят поезд келди ва бўш ўриндиқларнинг бирига ўтирдим. Буни қарангки, вагон ичида ҳам иккитаси қучоқлашиб кетишарди. Лекин уларнинг кўриниши боягиларга ўхшамас, кийинишлари ҳам сипо ва тартибли эди. Йигитнинг бағрида ухлаб кетаётган қизни кўриб, асабим бузилди. Шу ҳолатида дадаси ёки онаси келиб қолса борми? Умуман бу атрофдаги одамларга нисбатан ҳам ҳурматсизлик-ку?

Вагонни баланд кулги овози тутди. Поезд овозидан ҳам баланд. Сал нарироқда тик оёқда турган икки қиз кулишиб, гаплашаётган экан. Менимча, улар бу орқали атайлаб эътибор жалб қилишни хоҳлашарди. Атрофдагилар секинроқ гаплаш, дегандай қараб-қараб қўйишарди. Сал наридаги йигит эса Имом ал-Бухорийнинг "Саҳиҳи Бухорий" ҳадислар тўпламини ўқиб кетяпти. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур, деганлари шу бўлса керак...

Бундай ҳолатлар деярли ҳар куни юз беради. Ўспиринларда ва ёш йигит-қизлардаги бундай ахлоқ меъёрлари бузилишининг асосий сабаби нимада экан, деб ўйлаб қоласан. Атрофдаги ҳодисаларга, жамики мавжудотларга нисбатан лоқайдлик, ўзи ва ўзидан катталарга ҳурматсизлик, тамаки ва алкоголь ичимликларига мойиллик, худбинлик, маънавий таназзул, ота-оналар томонидан назоратнинг йўқлиги ёки аксинча ҳаддан зиёд эътиборнинг кўплиги, интернет тармоқлари ва компьютер ўйинларига қарамлик, жамоат олдида ўзини тута билмаслик... Эҳ-ҳе, буларни яна қанча давом эттириш мумкин. Шу каби сабаблар ёшлар тарбиясида ўзига хос девиант ҳодисаларни келтириб чиқаради.

— Ҳар бир инсонда ўзига хос девиант хулқ-атвор бўлади. Яъни, у хоҳлайдими йўқми, жамият ва атрофидаги одамлар таъсирида девиантлик хулқи шаклланади. Фақат буни кимдир очиқ-ойдин намоён этади, кимдир эса яширин. Хоҳласангиз, инсонларни кузатинг. Улар баъзида ўзи билмаган ҳолда девиант хулқини намоён этиб қўяди, — дейди малакали педагог ва социолог Хусан Акрамов.

Хўш, девиант хулқ-атвор ўзи нима? Девиант хулқ-атвор лотинча "deviation" — оғиш, яъни ижтимоий нормативлардан оғиб кетувчи хатти-ҳаракат бўлиб, жамиятда ўрнатилган ахлоқ меъёрларига мос келмайдиган инсоний фаолият, ижтимоий ҳодиса саналади. XX аср Америка социологларидан бири Роберт Кинг Мертон бунга қуйидагича таъриф беради: "Девиант хулқ-атвор жамиятда эълон қилинган қадриятлар ва расмий хулқ-атвор стандартлари билан аҳоли хулқ-атвор мотивлари ҳамда мавжуд имкониятларнинг бир-бирига мос келмай қолиши натижасидир". Жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлардан четга чиқиш ҳолатлари социологияда "девиантлик ҳолатлари", ундан ҳосил бўладиган хулқ-атвор эса "девиант хулқ-атвор" деб аталади.

— Ўсмирлик даврида пайдо бўладиган девиант хулқ-атвор турларидан энг кўп учрайдигани бу аддиктивликдир. Бу одатни вужудга келтирувчи сабаблар — қизиқиш, ҳавас, тақлид, ўртоқларининг даврасида ўз ўрнини эгаллаш, мактабдан ташқари муҳитнинг таъсиридаги нуқсонлар, оиладаги педагогик-психологик билимларнинг етишмаслиги, оилавий низолар, ота-онанинг ички ва шаҳвоний ҳаётга берилиши, балоғатга етмаган тенгқурларининг таъсири, маданий-маърифий, ишлаб чиқариш жамоалари ҳамда жамоатчилик қуршовидаги камчиликлар ҳам тарбияси оғир ўсмирлар кўпайишига сабаб бўлиши мумкин. Лоқайдлик, бепарволик дунёдаги энг кучли зилзила ва бўронлардан ҳам ёмон душмандир! Беғамлик лоқайдликнинг онасидир. Шафқатсизликнинг олди олинмаса, ривожланиб золимлик ва жиноятчиликка айланиб боради, — дейди психология фанлари бўйича фалсафа доктори Дилнозахон Абдуллажонова.

Одатда, девиация ҳодисаси ва унинг кўриниши кўп ҳолларда ёшларнинг ўсмирлик даврида юзага келади. Зотан, бу ниҳоятда мураккаб давр бўлиб, халқона тилда "ўтиш даври" деб ҳам юритилади. Дарҳақиқат, бу пайтда ўсмир ҳаёти ва фаолиятида жиддий ўзгаришлар, хусусан, физиологик, ақлий, руҳий жиҳатлардан ривожланиш юз беради.

Зерикишдан, ёлғизликдан, ҳаёт қийинчиликларидан қочиш учун ўсмирлар компьютер ўйинларига тез-тез мурожаат қилишни бошлайди. Барча тобелик воситалари, ҳаттоки, компьютер ўйинлари ҳам уларда ижобий ҳиссиётларни пайдо қилади (хурсандчилик, бахтиёрлик, роҳат, руҳий ва жисмоний енгилликни сезиш) ва салбий ҳиссиётларни (хавотир, хафалик, айбдорлик ҳисси, ўзини ёлғиз ҳис этиш) бартараф этади. Улар компьютер ўйинларини ўйнаган сари реал ҳаёт ва виртуал дунё орасидаги фарқни таққослай бошлайди. Натижада реал ҳаётдан узоқлашиш янада кучаяди. У кундалик ҳаётдаги муаммоларини компьютер ўйинлари орқали компенсация қилишга интилади.

Бугун ҳар бир ёшда ўзига хос девиант хулқ-атворнинг вужудга келишида "оммавий маданият" салбий оқимларнинг таъсири ҳам жуда катта. Ўзбек халқи азалдан ўзининг чиройли андишаси, миллий урф-одатлари, қадриятлари, шарқона қарашлари билан ғарб мамлакатларидан ажралиб туради. Бироқ бугун аксар ҳолларда ғарбона маданият сари оғиб кетяпмиз. Бу иллатнинг илдизи эса оиладаги носоғлом муҳит ва катталарнинг ёшлар тарбиясига бефарқлигида, деб ўйлайман.

Ёшлар тарбиясида мактабнинг ҳам аҳамияти катта. Ёшларга меҳр, эътибор, аввало, оилада берилмоғи лозим. Оиладаги муҳит, ўзаро ҳурмат, муносабат йўқ бўлгандагина ўқувчилар оиласидан олмаган эътиборни мактабдан излайди. Синф раҳбари, психолог, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари эътиборли бўлсагина, бу бўшлиқни тўлдириш мумкин. Зеро, назорат бор жойда хулқ-атворида нуқсони бор ўқувчилар тартиб-интизомга келади.

— Инсон умри давомида ўртача етмиш йил умр кўрса, шундан ўттиз йилини ухлаб ўтказаркан. Замонамизнинг ёшлари эса ҳам жисмонан, ҳам маънан ухлашяпти. Улар айни дамда виждонан, қалбан, маънан ва руҳан уйқуда. Бунга сабаб чексиз имкониятлардан тўғри фойдалана олмаётганликда, деб биламан. Улар моддият изидан қуваверади-қуваверади. Охири ўзлари ҳам моддиятнинг бир бўлагига айланиб қолади, — дейди "Мард ўғлон" давлат мукофоти соҳиби Раҳмат Бобожонов.

Юқоридаги мулоҳазалар нақадар ўринли. Ҳамма нарса айнан бекорчиликдан, бўш вақтдан унумли фойдаланилмаётганликдан бошланади. Бекорчи ўғил-қизлар кўп ҳолларда ички таъсирлар қолиб, ташқи таъсирлар асирига айланиб боради. Яъни интернет ижтимоий тармоқлар, компьютер ўйинлари, алкоголь ичимликлари, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик, турли кўнгилочар базмлар, клубларга мойилликлари ортиб боради. Шундай экан, девиант хулқ-атворнинг юзага келишида ва намоён бўлишида айнан ташқи таъсирлар остидаги ахборотларнинг ҳам ўрни катта.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган, ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига алоҳида урғу берилган бешта муҳим ташаббус маънавий-маърифий соҳаларда янги тизимни яратди. "Ёш китобхон" республика китобсеварлари танлови ёшлар орасида кенг оммалашди. Бу каби танловлар ёшлар орасида ўзликни англаш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жойларда адабий муҳитни яратиш ва энг асосийси, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги билимларини юксалтиришга муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Аммо... муаммо ҳам кўп. Шундай экан, ҳеч биримиз лоқайд ва бефарқ бўлиб қолмаслигимиз шарт.

Зухра АҲМЕДОВА,
ЎзМУ талабаси.

Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

ХАЙРУЛЛА ҲАМИДОВ:

“ЖУРНАЛИСТЛАР КЎПРОҚ ОҒИР КУНЛАР УЧУН ЯРАЛГАН ИНСОНЛАРДИР”

1-б.

Журналистика мен учун — инсоншунослик, жамиятшунослик ва холис қарашлар мажмуи.

Ёшлигимда менга “Келажакда ким бўласан?” — дейишса, космонавт ё санъаткор бўламан, демаганман. Журналистика деган соҳа борлигини билмаганим учун шунга яқинроқ соҳани ҳис қилганман чоғи. “Билмайман”, дердим нуқул. Аслида номини билмасдим, холос. Ўзи борлигини, инсонлар ўртасида адолат тантана топиши учун курашадиган соҳа мавжудлигини ички идрок ила сезган бўлсам керак. Наинки ўзим, балки исталган ҳақиқий журналист танлаган соҳасидан пушаймон бўлишига ишонмайман. Чунки қисматдан қочишнинг иложи йўқ. Мен Яратгандан шу соҳа вакили қилганидан мингдан минг розиман. Ўзимни бошқа соҳада тасаввур ҳам қилмаганман, қила олмайман ҳам.

— *Ҳақиқий журналист бўлиш учун кимлар керак ва бизда кимлар “етишмайди”?*

— Журналистика факультетига кирганимизда, биринчи дарсдаёқ “Журналистика асослари” фанидан дарсга кирган домламиз бир гап айтгандилар: “Болаларим, агар келажакда бу касбнинг ортидан бойиб кетишни истасангиз, мансаб талаб қилсангиз ё энг кўркам машиналар сотиб олиш орзусида бўлсангиз, ҳозирданоқ айтинглар, “юрфак”ка ё шунга ўхшаш факультетларга “перевод” қилиб берамиз. Бу соҳа фақат фидойилик талаб этади. У сизга ҳеч нарса, яъни моддий томондан катта-катта “тоғлар”ни бермаса ҳам, сиз унга борингизни беришингиз керак. Бир фидойининг жойини эгаллаб ўтиришдан уялинг!” — деган эди.

Ҳа, ҳалигача шу гап, шу ўлчов, шу формула қулоғим остида жаранглайди. Ҳақиқий журналист бўлиш учун инсон охиригача кураша олиш хислатига эга бўлиши керак, деб ўйлайман. Ўн марта йиқилса, ўн бир марта ўрнидан тура оладиган кучга эга инсонларгина чин журналист бўла олишади. Тўғри, баъзан чуқур цензура, диктатура, тазйиқни енгиш, унинг симли деворларидан ўта олиш мушкул. Лекин мен энг кучли журналистлар, ёзувчилар, шоирлар айнан шунақа даврларда етишиб чиқади, деб ўйлайман.

Албатта, кучли журналист бўлиш учун жасоратнинг ўзи кифоя қилмайди. Билим базаси ҳам шунга яраша бўлмоғи керак. Иккиси тенг кўриниш олганида, журналистнинг салоҳияти юзага чиқади. Замонни баҳона қилиш, оғир дамлардан чекиниш бошқа исталган соҳа вакилларига мумкиндир, илло журналист учун эмас. Журналистлар кўпроқ оғир кунлар учун яралган фидойи инсонлардир...

— *Спорт журналистикаси. Негадир бугунги ёшлар орасида ана шу йўналишни танлаётганлар жуда кам. Бунинг боиси нимада, сизнингча?*

— Спорт журналистикаси специфик соҳа ҳисобланади. Юқоридаги талабларга қўшимча ўлароқ спортни ўта яхши кўриш керак. Спорт билан яшаш керак. Мухлислари у қадар кўп бўлмаслигини билган ҳолида шу йўналиш бўйича кетишини билади. Балким шунга камчилик бўлсак керак.

— *Ҳозирги ўзбек спорти, хусусан, ўзбек футболи ҳақида нима дейсиз. Миллионлар ўйинида сурункали муваффақиятсизликларимизнинг бош сабаблари нимада?*

— Мамлакат спорти, хусусан, жамоавий ўйин турлари натижалари давлат салоҳияти даражасида бўлади. Чунки яккакурашчиларни вояга етказиш учун тизимдан кўра талант аҳамият касб этади. Бир шаҳматчини, боксчини ё қиличбозни тарбиялаш имкони бор. Аммо жамоавий ўйинларда тизим кучли бўлмаса, қай бир чизиқда муаммолар учрайверади. Ҳатто Мессиси бор Аргентина ҳам жаҳон чемпиони бўла олмаяпти, чунки мамлакат майдоннинг ўн бир нуқтасига етарли бир хил савиядаги футболчини етиштириб бера олмаган. Ўзбек футболининг муваффақиятсизликлари сабаби ҳам шу. Бугун ўзига бўлган эътибор билан ажратилаётган молиявий таъминот билан бир Нестеров, бир Аҳмедов, бир Шомуродовни етиштириб бериши мумкин футболимиз, ундан ортиғини эмас. Демоқчиманки, аслида ўзбек футболидан биз ортиқча нарса кутамиз. Аслида ҳозирча унинг бўлгани шу.

— *Энди кўнглингизга олмасангиз, барибир сўрамоқчи эдим: 2010 йилда бошингизга тушган оғир синовлар ҳақида кўп эшитганмиз. Негадир бу ҳақда ҳеч нарса ёзмадингиз, ёзган бўлсангиз ҳам эълон қилмадингизми, ишқилиб, кўзим тушмаган. Нима бўлганди ўзи?*

— Бу ҳақда яқинда “Телеграм юлдузлари” номли блогерлар саҳифасига интервью бердим ва кўп нарсани очиқладим. Шуни айтишим мумкинки, ўтирганман, муддатимни ўтаганман. Менга у ёқда бошқаларга қараганда анча яхши муносабатда бўлишган. Қайсидир маънода айбни ўзимдан қидиришга ўрганганман. Ростини айтсам, ўтган ишларни у қадар кўп эслагим келмайди. Дийдиё қилгим ҳам йўқ. Шу боис, келажакда ҳам ҳеч нарса ёзиш ниятим йўқ. Баъзан шундай йўл тутган маъқулроқ.

— *Эшитишимизча, қамоқхонадан 1-Президент номига хат ҳам ёзгандингиз... Муносабат қандай бўлганди? Умуман, у ёқдаги “сабоқ” ва аҳвол ҳақида нима дея оласиз?*

— Саволингиз яна юқоридаги мавзунинг давоми бўлди. Жавобим ҳам қайтариқ бўлади, узр.

— *Матбуотга меҳрингиз қандай? Бир пайтлар газета ҳам очган эдингиз, адашмасам.*

— Радио ва телевидениеда танилган бўлсам-да, ҳа, аслида “газетачиман”. Газетадан бошлаганман журналистикани. Бу жуда яхши бўлган мен учун. Чунки телевидениеда ҳам, радиода ҳам матн ёзасиз. Матн масаласида кучли бўлсангиз, уёғини тортиб кетиш мумкин. Агар матнда оқсасангиз, ҳар қанча кўркам ва гапдон бўлманг, кемтик ўрнингизни ёпа олмай чарчайсиз. Ҳозир матбуот майдони интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқлар томонидан эгаллаб олинган бўлса-да, газетага қайтиш бор, деб ўйлайман. Чунки газета кўринишида мақолаларни ўқиш бошқача ҳис-туйғу улашади одамга. Интернет сайтларига эҳтиёж туғилади барибир.

— *Бугун ва кечани солиштирганингизда журналист сифатида ва оддий бир инсон сифатида эртада нималарни кўрасиз?*

— Ҳозирда эркинлик даврида-миз. Ижтимоий тармоқлар орқали деярли ҳамма “блогер” бўлиб олган. Бунақа очиқлик ва шиддаткор даврда журналистика бир эврилади, бошқа режимга ўтади ва жамиятнинг катализатори бўлишлик вазифасини олади. Бунга тезроқ етишиш керак.

Оддий одам сифатида эса менимча, аввалгидан унчалик фарқим йўқ. Ҳаётнинг баланд-пастини кўрдим, ёшим улғайди...

Шаҳзод ШОДМОНОВ суҳбатлашди.

ЁД ЭТИБ

Набижон Собир билан бундан чорак аср илгари қувалик шоир Шокирхон Ҳакимийнинг укаси Ҳурматилло ака таништирган эди. Бир пиёла чой устида қилинган самимий суҳбат келгусидаги ижодий ҳамкорлик ва дўстлигимиз ришталарини боғланишига сабаб бўлганди.

ИСТЕЪДОДИ ҲАМ, ОҚИБАТИ ҲАМ БОР ЭДИ ...

Шу-шу ҳар гал хизмат сафари биланми, тўй-тўлқин сабабми Фарғонага борсам, албатта Ҳурматилло Ҳакимов билан учрашиб Набижон акани ҳам йўқлайдиган бўлдим. Республикамизнинг марказий газеталарида ишлаган пайтларим Фарғонадан бирор-бир мақола тайёрлаш керак бўлса, Набижон ака билан маслаҳатлашар эдим. Чунки у киши вилоят ҳаёти ва одамларини жуда яхши биладиган, оқни оқлигича, қорани қоралигича кўрадиган инсон эди. Қалби ҳавасларга лиммо-лим, ўзгаларга заррача ҳасади йўқ, бағрикенг ижодкор эди. У нафақат вилоятда, балки мамлакатимизда ҳам қалами ўткир журналист сифатида танилганди.

Набижон ака жуда кўп китоб ўқиган маърифатли бўлибгина қолмай, Аллоҳ унга кучли хотира ҳам ато этган эди. У билан бир суҳбатлашган киши яна гаплашишга ошиқарди.

Тошлоқ туманининг Садда қишлоғидаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур кўчаси ўнинчи уйи. Бу файзли хонадонга Набижон аканинг падари бузруквори оламдан ўтганида борган эдим. Яқинда Қурбон ҳайити арафасида яна шу хонадонда бўлдим. Бир неча ой аввал бу фоний дунёдан у боқий дунёга риҳлат қилган устоз журналист Набижон аканинг руҳларини шод қилиш учун дуои фотиҳа қилдим. Турмуш ўртоғи Матлуба опа рўмолининг бир чети билан кўзидаги ёшини артар экан, ҳамдардлик билдириб келганимиз учун Аллоҳ рози бўлсин дейди. Матлуба опа Набижон аканинг жуда оилапарвар, фарзандларию набиралари тарбиясига эътиборли ота бўлганлигини алоҳида эслади...

Фарғона вилоят халқ таълим ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳудудий маркази директори ўринбосари, Набижон Собирнинг маслакдош дўстларидан бири Зикрилло Тешабоев шундай хотирлайди: “Набижон ака билан у “Халқ сўзи” газетаси мухбири сифатида 2005 йилда Қўштепа туманига борганида танишган эдик. Шундан бери тез-тез учрашадиган бўлдик. У бизга ҳам устоздек, ҳам отадек бўлиб қолганди. Дунёни ичига сиғдирган, қувваи ҳофизаси кучли, мард ва холис инсон эди. Мен у кишини устозим деб ҳисоблайман. Набижон акани ҳатто тирик энциклопедияга қиёслар эдим. У киши билмайдиган соҳа йўқ эди. Вилоятдаги катта-кичик раҳбарлар бу одамнинг олдига маслаҳатга келиб турарди. Устоз уларга беминнат маслаҳатларини берибгина қолмай, муаммоларини ечиш йўлларини ҳам кўрсатар эди. Ўзидан яхши инсон деган номни қолдириб кетди. Илоҳо жойлари жаннатда бўлсин”.

Чиндан ҳам Набижон ака нафақат уни билганларга, балки ҳаммага бирдек меҳр-оқибат кўрсатишга қодир бўлган ажойиб дўст эди. Ушбу ёзганларимиз оғамизнинг инсонийлик хислатларидан бир шингил холос.

Набижон Собир давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол эди. Бир неча бор Президент сайловини ўтказиш бўйича Фарғона вилоятида сайлов округи раиси бўлди. Фикри тиниқ нотиқ бўлиш билан бирга муомала санъатининг устаси ҳам эди.

Аммо баландпарвоз чиқишлар қилиш унинг табиатига хос эмасди, шуҳратпарастлик кўчасидан юрмайдиган журналистлар тоифасидан эди. Касби ва касбдошлари шаънини ҳимоя қилишга астойдил бел боғлаб уддасидан чиқа оладиган маҳоратли муҳаррир эди. “Фарғона ҳақиқати” ва “Марғилон ҳақиқати” газеталарига бош муҳаррирлик қилган пайтларида ҳар икки газетанинг мазмунли чиқиши ва ададининг салмоқлилиги жиҳатидан эътироф этиб келинарди.

У қайси жамоада ишламасин таҳририят аъзоларининг тўй-маъракалари Набижон акасиз ўтмас эди. Ҳамиша барчага имкон қадар кўмак беришга интилар эди.

Бу ҳаёт, эзгулик атрофида ёмонликлар ҳам ўралашиб юради. Шундай дамларда ижодкорнинг ожиз юраги дош беролмай қолади. Набижон ака ҳам юраги бетоблиги учун узоқ йиллар муттасил даволаниб юрарди. Аммо барибир ўзи дардманд бўла туриб, одамлар дардини ўйларди. Инсон табиати шундай — дард излаганлар дармон бўлганларга талпинаверади. Набижон акани ҳам сўроқлаб келувчилар кўп эди. Дўстларининг хотирлашича, унинг даргоҳидан бирор киши ноумид қайтмаган.

Набижон Собир номи билан китоблар чоп этилган. Улардан бири “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган юксак унвонга муносиб топилган, фахру ифтихоримизга айланган инсонлар ҳақидаги “Фарғоналик Қаҳрамонлар” китобидир. Ушбу рисолада қаҳрамонларимизнинг ҳалол меҳнати, она юртга чексиз муҳаббат билан йўғрилган ҳаёт йўллари очиб берилган бўлиб, бу китоб ўзбек, тожик, рус ва инглиз тилларида нашр этилганлиги билан ҳам ажралиб туради.

Уч нафар ўғли ва қизининг суюкли отаси, тўрт нафар набиранинг меҳрибон бобоси камтаринлик кўчасидан юриб, ҳавас қилса арзигулик ҳаёт кечирди. Турмуш ўртоғи ва ўғли билан унга Ҳаж амалларини бажариш ҳам насиб этган эди.

Биз бир-биримизни байрамларда, таваллуд айёмларида табриклаб йўқлар эдик. Бугун йигирма саккизинчи июль. Агар катта истеъдод эгаси, таниқли журналист — Набижон Собир ҳаёт бўлганида олтмиш саккизга кирар эди...

Минг афсус, ҳаётдан эрта кетди. Лекин юқорида айтганимиздек, дилимизни юпатадиган бир таскин бор: у кишидан яхши ном, яхши хотира қолди.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
Республика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари, журналист.

ҲУДУДИЙ ТЕЛЕКАНАЛЛАРДА

СЎЗДА ҚУДРАТ, ТАСВИРДА ҲАҚИҚАТ

Наманган вилоят телерадиокомпанияси Наманганнинг бутун бўй-бастини намоён қилувчи асосий муассасадир. Телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда барча соҳалардаги ўзгаришлар ўз аксини топмоқда. Бу, албатта, теле ва радиожурналистлардан изланиш, касбий маҳоратни оширишни, энг муҳими, ижодий ва соғлом рақобатни тақозо этади.

Наманган телерадиокомпанияси директори — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раисининг ҳудудий телерадиоканаллар масалалари бўйича маслаҳатчиси Муҳаммаджон МАҚСУДОВ билан вилоят телевидениесида амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

— ***Вилоят теле ва радиоканалининг тарихи, илк кўрсатувни эфирга олишнинг ҳаяжонли ва машаққатли онлари тўғрисида қисқача сўзлаб берсангиз.***

— 1932 йилнинг баҳорида Наманганда илк бор радио овози янграган. У фаолиятини вилоят марказидаги Мулла Қирғиз мадрасаси хонақоларидан бирида бошлаган. Кунора радиогазета ҳам чиққан. 1950 йилларда радиоэшиттиришлар юқори савияга кўтарилади, радио журналистикаси ва радиожанрлар ривожланади. Маҳаллий эшиттиришлар халқ хўжалигида зарур ва муҳим роль ўйнаган. 1968 йилда вилоятимизда 10 та туман радиоси, чекка қишлоқлар, дала шийпонлари ва корхоналарда 100 га яқин радиоузеллар, 30 минг атрофида радио шоҳобчалар мавжуд бўлган. 1970 йилга келиб вилоят миқёсидаги радионуқталар 130 мингтага етди. 1980 йилда телевизион ретранслаторлар қурилди. Приёмник ва телевизорлар сони 5,5 мингта эди.

Наманган овозини биринчи бор эфирга олиб чиқиш устозлар — машҳур санъаткор Раззоқ Ҳамроев, Дилдора Аҳмедова ва Абдуғани Абдувалиевга юкланади. Абдуғани ака радиога чинакам фидойилик кўрсатган. У нафақат моҳир сухандон, таниқли ҳажвчи ва журналист, шу билан бирга, биринчи режиссёр бўлиб, радиофонотека — лентага муҳрланган ноёб ёзувлар хазинасини йўлга қўйди. 1981 йилда “Радио уйи”га Наманган шаҳрининг қоқ ўртасидан, сўлим Янгиариқ бўйидан жой ажратилган. Қурилиш уч йил мобайнида битказилган. Шундай қилиб, ўшанда водийдаги ягона радиокошона Наманганда қад кўтарган. Мен ўша йилларда вилоят радиосида бош муҳаррир эдим. Республика радиосининг “катта қозони”да қайнаб келгандим. Радиодаги услуб ва жанрларни публицистик руҳ билан бойитишга интилдим. Дала шийпонларидан, корхона ва ташкилот ҳовлиларидан “Келинг, очиқчасига гаплашайлик”, “Ошкора мулоқот” каби ҳозиржавоб эшиттиришларга, мавсумий “радиойўқламалар” ўтказишга асос солинди. “Қопқон” сатирик дастури шов-шувга айланиб, тингловчилар қалбидан жой эгаллади.

Ниҳоят, тажриба-синов кўрсатуви олинадиган 1990 йилнинг 17 октябрда бир соатлик кўрсатувни видеокассетага тушириш учун 16 соат вақт кетди. Съёмка жараёни тунги соат 2 да тугади. Шунча вақт давомида не кўйга тушилганини илк кўрсатув қатнашчилари, студия меҳмонлари ўз кўзи билан кўрди. Кўрсатувни Андижон ретранслятори эфирга тарқатиши учун тасвирни алоқа кабели орқали Андижонга узатишнинг мутлақо имкони йўқ. Видеомагнитафонни қўшни вилоятга етказиш учун енгил машинада йўлга тушилганида соат тунги 4 ни кўрсатарди. 18 октябрь соат 8.00. Наманганда қолганларнинг нигоҳи телевизорда эди. “Наманган” радиосининг позивнойи жаранглаб, экранда “НВТ кўрсатади” деган ёзув чиққанидаги қувончимизни таърифлаш мушкул.

— ***Айтинг-чи, Наманган телерадиокомпанияси ўтган йилларда вилоят ҳаётидаги янгиликларни яратишда “олтин фонд”и қанчалик бойитилди?***

— 1990 йилларда “Наманган” телеканали ҳафтасига атиги бир соат эфирга чиқарди. Ҳозир эса мазкур рақам кунига узлуксиз 18 соатдан иборат ҳолда вилоятлар телеканаллари ичида энг катта кўрсаткич бўлиб турибди. Радио вилоят телерадиокомпаниялари орасида биринчи бўлиб 2004 йилда FM тизимига улан-

ган, 2015 йилда эса телерадиоканал замонавий рақамли форматга ўтиш ишларини якунлаган. Айни пайтда кун давомида тўғридан-тўғри эфир ҳажми телеканалда 6 соатни, радиода 10 соатни ташкил этади. Муҳим тадбирларда бундан ҳам ортиши мумкин. Таъкидлаш жоиз, ҳозирда 100 дан зиёд ижодий-техник ходимлар меҳнат қилаётган телерадиокомпаниямизда ислоҳотларга мос ранг-баранг лойиҳалар, мобил репортажлар, вилоятлар билан ҳамкорликда қўшма телевизион дастурлар, турли ток-шоулар, кўчма студиялар сифатли тарзда тайёрланяпти.

2000 йилда вилоят телерадиокомпанияси учун барча қулайликларга эга қўшимча телемарказ биноси тикланди. Германиянинг “Сименс” дастурига биноан “SX” телевидеоаппаратуралари ўрнатилди. Ижодий жамоа янги ғайрат билан ишлай бошлади.

Дарҳақиқат, сўзда қудрат, тасвирда ҳақиқат мужассам. Кўрсатувларда бугуннинг энг долзарб муаммолари, истиқлол туфайли юзага чиққан қадриятларимиз, айниқса, маънавий ҳаётимиздаги ўзгаришлар ўз ифодасини топмоқда.

— ***Вилоят телерадиокомпанияси биносида қурилиш, таъмирлаш жараёнлари қизғин кетаётганига гувоҳ бўлдик...***

— Наманган ТРКнинг эфир узатиш қамрови 99,5 фоизга етказилиб, бу водий вилоятлари, шунингдек, қўшни Тожикистон ва Қирғизистон Республикаларининг чегара олди вилоятларида ҳам кузатиш имконини яратмоқда. 2016-2021 йилларда компания ривожланиш босқичига ўтди. 2018 йил Ўзбекистон МТРК томонидан қиймати 1 миллиард сўмдан ортиқ эфирга беришга мўлжалланган сервер комплекти ўрнатилди. Давлат тадбирлари ва спорт мусобақаларини тўғридан-тўғри воқеа жойидан узатиш учун 8 камерали кўчма телевизион станция келтирилди. 2018 йилда SD видеокамералар фаолияти тўлиқ тугатилиб, HD форматда тасвирга олувчи видеокамера ва кабелсиз микрофонлар билан таъминланди. 2020 йил мобил SIM-карталар орқали республиканинг исталган ҳудудидан тўғридан-тўғри эфирга чиқиш имконига эга awives қурилмаси ҳамда бевосита VPN билан ишловчи техник қурилмалар сотиб олинди. Бу орқали яқинда 2021 йил 23-31 май кунлари бўлиб ўтган 60-Халқаро гуллар фестивали тўлиқ форматда Наманган ТРК орқали жонли эфирга узатилди.

Президентимизнинг 2019 йил 28 февраль–1 март кунлари Наманган вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ҳамда вилоят фаоллари иштирокидаги 9-сонли йиғилиш баёнининг 35-бандида кўрсатиб ўтилган “Наманган вилояти телерадиокомпанияси моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, 8 камерали кўчма телевизион станция сотиб олиш, қўшимча 450 м² студия қуриш” юзасидан лойиҳа ишлари тамомланиб, қурилиш-монтаж ишларига 9 млрд. 381 млн. сўм маблағ йўналтирилган. Бугунги кунда таъмирлаш жараёнлари жадал суръатларда давом этмоқда. Кейинги босқичда 450 м² студия техник жиҳозлаш ҳамда кўчма телевизион станция сотиб олиш учун республика бюджетидан 4,5 миллион

евро (60 миллиард сўмдан зиёд) маблағ ажратиш инвестиция дастурида кўзда тутилган.

Амалий саъй-ҳаракатлар натижасида яқин йилларда вилоят телерадиокомпаниясининг ташқи ва ички қиёфаси бутунлай замонавийлик касб этади.

— ***Муҳаммаджон ака, ибратли ҳаёт йўлингизга ҳавас қиламиз. Муваффақиятларингиздан мисол келтира оласизми?***

— Албатта, бу оғир, лекин шарафли касбни танлаб, фаолият бошлаганимга ҳам 47 йил тўлибди, 30 йилдан бери эса раҳбарлик лавозимларида эл хизматидаман. 2012 йилда “Олтин қалам” Халқаро миллий мукофоти совриндори, 2013 йилда “Меҳнат шуҳрати” ордени ва 2014-2019 йилларда Ўзбекистон Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатида “Меҳнаткаш сенатор” кўкрак нишони соҳиби бўлдим. Кўплаб хорижий мамлакатларга бориб, халқаро телеканаллар тажрибасини ўрганиб келганман. Тўрт йилдирки, ЎзМТРК раисининг маслаҳатчиси сифатида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга деярли ҳар ойда бориб, мавжуд муаммоларни илғаб бартараф қилишда, ечимини кутаётган масалаларни ижобий ҳал этишда қатнашяпман, маҳорат сабоқлари ташкиллаштиряпман. Шукур, 20 нафардан ортиқ шогирдим етакчи марказий ОАВларида самарали ишлашяпти, уларнинг ўнга яқини давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган.

Орифжон ЖЎРАЕВ суҳбатлашди.

ТАРИХ ТАСВИРЛАРДА ТИРИЛСА

ёхуд Сергели даҳасидаги “хазина”

Бундан йигирма икки йилча муқаддам “Жалолиддин Мангуберди” картинаси томошасидан олган завқу шукуҳни ҳамон эслаб юраман. Назаримда, у мусаввир тарафидан ўйлаб топилган сиймо — фантазия маҳсули эмас, балки Султоннинг ҳаракатланаётган фотосидек туюлган эди: қўлини сал чўзса, қилич қинидан чиққудай... Ҳаммасидан ҳам халоскор кўзида учқун сочиб турган шижоат олови каминани ҳисҳаяжонга солди. Ўзимча мулоҳаза юрита бошладим: йўқ, буни Тўра Қурёзов эмас, подшоҳнинг ёнида юрган Насавий чизган!

Жалолиддин Мангуберди

Насавий таърифлаганки: ***“... У шерлар орасида энг зўр шер эди, қўрқмас чавандоз, лашкарлар орасида энг ботир эди. У юввош, мулойим одам эди, жаҳлдор эмасди, ҳақоратомуз сўзларни айтмасди. У ниҳоятда жиддий эди, кулмасди, фақат жилмайиб қўярди, кам гапирарди. У ҳақгўйликни, адолатни улуғларди, аммо у яшаган даврдаги ғалаёнлар, алғов-далғовлар феъл-атворини ўзгартирди. У қўл остидаги одамларнинг оғир ҳаётини енгиллаштиришни хоҳларди, аммо у яшаган давр қонунлари уни зулм қилишга мажбур этарди”*** *(Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий. “Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти”. Рус тилидан Камол Матёқубов таржимаси. Тошкент, 2006. 295-296 бетлар)*.

Айтишларича, Ашхабод шаҳридан сал наридаги қадимий Наса шаҳри ўрни тарихий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинган экан. Айнан ўша шаҳар яқинида Шиҳобиддин Муҳаммад туғилиб-ўсган. У Хурандиз қалъасининг волийси бўлган. Киндик қони тўкилган юрт сифатида Наса номини тахаллус рутбасида танлаган. Кейинчалик эса Султон Жалолиддиннинг муншийси сифатида фаолият юритган. Тасаввур қилишимиз мумкинки, Тўра Қурёзов ул зот битиклари тагқатламига “шўнғиб” биз кўриб, томоша айлаб ҳайратланаётганимиз — Жалолиддин Мангуберди сиймосини “узиб олиб чиққан”.

Кейинчалик мен олим Тоҳир Каримнинг рус тилида чиққан “По следам “Авесты” номли китобининг рангли саҳифаларида “Зардушт”, “Анахита” сиймоларини кўриб янада ҳаяжонландим. Бу сиймоларни ҳам Тўра Қурёзов яратган эди. Уч минг йилнинг нари-берисида яшаб ўтган Зардуштнинг ва ҳамда Гўзаллик маъбудаси — Анахитанинг тасвирларидаги анвойи ранглар руҳиятимга олис мозий хусусида шивирлаётгандай эди гўё! “Авесто”дан ўқиганларим ёдимга тушарди:

Адвисура Анахита
Оқиб борди унга томон
Бир парирўй тимсолида,
Сарвқомат ва шамшодваш,
Камарбаста ва шойиста,
Бошмоқлари тўпиққача ярқираган,
Тиллодандир шокиласи.
У тўхтатди оқимнинг бир томонини,
Бир томони оқиб ўтди олисларга.

(“Авесто”. Форс тилидан Асқар Маҳкам таржимаси, Тошкент, 2015. 351- бет).

Не ажабки, ўқиганларим тасвирда кўрганларимга мос тушмоқда эди. Шу хусусиятга амин бўлдимки, Тўра Қурёзов мозийга хаёлан бориб келар экан. Йўқ, йўқ, хаёлан мозийда яшар экан. Тасвирий санъатдаги “руҳ кўчиши” шеърият ва мусиқада ҳам бормикан, деб ўйладим. Наҳотки, тарих тасвирларда “тирилса”?!

Хива шаҳридан етти километр наридаги Қиёт қишлоғида қад ростлаб турган ҳазрат Огаҳий уй-музейи деворларидаги картиналарда тарих “жонлангани”ни томоша айлагач, бир қарорга келдим: қачонлардир пойтахтга борсам, Тўра ака хонадонига бориб, суҳбатига ноил бўламан.

Ушбу истак мени ҳеч тинч қўймасди.

2

“Сиз уйимни топиб келишингиз даргумон. Сергелининг ҳам энг чеккаларида яшайман. Таксига чиқсангиз телефонингизни ҳайдовчига тутқазинг. Манзилни ўзим тушунтираман!”.

Тўра ака обдон “тушунтирди” чоғи ҳайдовчи, ҳайтовур, буюк рассом яшайдиган кўчага олиб келди. “Ўзим чиқаман!” деди рассом. Узоқ-узоқлардан тепага кўтарилган ғалати телпакни кўрдик.

Жуда оддий, деҳқонларгами, боғбонларгами менгзаб кетадиган киши экан. Кўнглимга келган гапни уққандек: “Бу телпакни менга Пўлат Бобожонов совға қилган. Хоразмга ҳоким бўлган вақтларида...” Шундай деб кулимсиради. Ва биз қасрмонанд бир ҳовли бўсағасидан ҳатладик. “Ина, менинг хазинам!”.

Хазина деганлари омборхонада жойлашган экан. Ўҳ-ҳў! Тўра ака катта-ю кичик ўндан ортиқ картиналарини бирин-кетин намойиш қилишга киришди. Улар орасида бўйи баробар келадиган картина — Жалолиддин Мангубердининг жанг-гоҳдаги ҳолати акс эттирилгани бизни қойил қолдирди. Худди қаҳрамонлик фильмидан бир парчани кўргандай бўлдик. Инсон зоти бундай мўъжизаларга ҳам қодир экан-да?!

Очиғини айтиш жоизки, олтмиш ёшдан ошиб, етмиш сари қадам қўймасидан аввал Тўра Қурёзов исми шарифи тор доираларгагина маълум эди. Тарихий мавзулардаги картиналари юксак баҳоланиб, лавҳамиз қаҳрамони 1999 йилда “Ўзбекистон халқ рассоми” унвони ила тақдирланди.

Суҳбатдошимиз: “Хоним халфанинг иккинчи ўғли Каримберган менинг бобом бўлади. У киши кўпроқ тижорат ишларига қизиққан, дўкондор экан. Хон тахтдан ағдарилган йили қаландар либосини кийиб, Хивани тарк этади” дейди. Бинобарин, Ферузшоҳ замонида номи тилларда достон бўлган Хоним халфа томирларида оққан қон кейинчалик даҳо мусаввир руҳиятида такрорланибди.

Тўра ака дейдики: “1935 йилларда тошкентлик Ҳоди Зариф деган филолог олим Хоразмга келиб Хоним халфадан “Кунтуғмиш”, “Гўрўғли” достонларини ёзиб олган. Халфа тўқиган ғазал, шеърларни ҳам олиб кетган. Бувимиз Ферузшоҳга яқинлиги боис кўп азият чеккан, турмаларда ётиб чиққан. Ўлимидан бироз аввал қуйидаги шеърни ёзган:

Эй ёронлар, биродарлар,
Дунёда армонли ўтдим.
Қараб турган қиз-жувонлар
Найлайин армонли ўтдим.

Умрим ўтди қонлар ютиб,
Қовирғам ерларга ботиб,
Ўлмадим оёқ узатиб,
Найлайин армонли ўтдим...”

Хоним халфа 1936 йилнинг қаҳратон қиш фаслида фанони тарк айлайди. 1937 йилда эса Тўра ака таваллуд топади. “Бобомни олиб кетганларида мен олти ойлик чақалоқ эканман. У чўгирмасини кийиб, неварам менинг чўгирмамга қараб куляпти, дебдилар. Шундан кейин у чаккамдан ўпиб: “Сен ўқимишли, зиёли, буюк бир инсон бўлиб етишгин!” дея фотиҳа берибди. Бобом 1937 йилнинг 14 декабрида олиб кетилган экан” дейди суҳбатдошимиз. Унинг айтишича, ҳужжатига 1938 йилда туғилгани қайд этилибди. Агарда аждодлари ҳикояларига таянилса, буюк рассом айни даврда 84 ёшни қаршилаган бўлиб чиқади. У чин маънодаги нуроний; юз-кўзларидан нур томиб турибди.

— 1960 йилда Рассомлик билим юртини тамомладим, — дея гурунгни давом қилдиради Тўра ака. — Йўлланма асосида Нукус шаҳрига бордим. Айнан ўша ерда бўлажак устозим Игор Савицкий билан танишдим. Савицкий мени қадимшуносликка, археологияга қизиқтириб қўйди. Устозим француз тилини билар эди. “Авесто” китобини французчада ўқиб, маъно-мазмунини рус тилида тушунтириб берган.

Алалхусус, И.Савицкий билан танишув ўзбек мусаввири фаолиятида кескин ўзгариш ясаган экан. Айтишича, устози 1915 йилда Киев шаҳрида таваллуд топган. Бой-бадавлат оилада... Бувиси — графиня унга болалик даврлариданоқ француз тилини ўргатибди. “Савицкий Москва шаҳрига келиб, машҳур рассом Ульяновга шогирд тушади. Суриков номидаги рассомлик институтида таҳсил олаётганида жаҳон миқёсида танилган мўйқалам соҳиби Роберт Фальк уни шогирдликка қабул қилади. Фальк авангард оқимлар тилсимотидан ҳам воқиф бўлган” дейди Тўрабой ака.

И.Савицкий академик Сергей Толстов дарғалик қилган Хоразм экспедициясида қатнашади. 1956 йилда экспедициядан ажралиб, Қорақалпоғистон Фанлар академияси этнография бўлимига бошчилик қилади. Айнан ўша йилларда у Нукус шаҳрида Санъат музейини ташкил этишни режалаштиради. Омадни қарангки, билим юртини эндигина битказган 23 ёшли Т.Қурёзов эзгу мақсад йўлида унга рўбарў келиб қолади.

Рассом эсдаликлар қўлёзмасида шуларни ёзибди: ***“... Кабинет дегани эски-туски нарсалар омборига ўхшар эди. Эски сандиқлар, гиламлар, кигизлар, мис идишлар, ҳар хил тақинчоқлар ва ҳоказо. Алмисоқдан қолган нарсалар орасида Савицкийнинг гавдаси кўринмас эди. Ногаҳон бурчакдан нозик овоз эшитилди: “Ҳеч уялмасдан кираверинглар”. Кирдик. Деворда кўплаб картиналар осиғлиқ турибди. Албатта, бу — унинг ижоди. Асосан. Хива... Умуман, қорақалпоқ ва воҳа қишлоқлари манзараси. Манзаралар шундай нозик дид билан ишланганки, беихтиёр қойил қолдим. Буни мен меъёрига етказа олмасдим — Савицкийга ҳавасим келди... Хоразм сувлари лойқа. Мовий осмон ранглари деярли унга таъсир этмайди. Мен ишлаган манзараларда ариқ сувлари ерга ўхшаб қолаверарди. Демак, ҳали тажрибам кам... Қани энди шу одам билан ёнма-ён туриб ишласам...***

— Сизда француз импрессионизмининг таъсири кучли экан, дедим.

— Роберт Фалькнинг шогирдиман. У Парижда ўн йил яшаган. Импрессионизм оқимини яхши ўрганган. Буюк рассом, профессор эди. Яқинда Москвада вафот қилди...

— Мен ҳам француз импрессионистларининг шайдосиман. Ван Гог, Сезани, Ренуар — менинг энг севган рассомларим”. *(Тўра Қурёзов. “Нотекис йўллар”. Қўлёзма. Тошкент, 2014. 70-71- бетлар).*

Ўша суҳбатдан сўнг ёш рассом устозининг лабораториясида ишлай бошлаган. ***“Кўп ўтмай Тошкентдан хушхабар келди. Юборилган ишлар орасида фақат менинг картиналарим республика кўргазмасида намойиш этилибди. Мени кўргазма муҳокамасига таклиф қилибдилар”*** *(Ўша асар, 73-бет)*.

Машҳур рассом, этнограф олим Игор Савицкий вафотидан сўнг “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланади. ***“Ноанъанавий усуллар шайдоси бўлган Савицкий гарчи ҳаётлик чоғида қадрланмаган эса-да Истиқлолдан кейин хотираси шарафланди”*** дейди Тўра ака.

Чиндан ҳам эзгу ишлар ҳеч қачон унутилмайди. Дейлик, Эзгу ўй, Эзгу сўз, Эзгу амал шиорини бутун инсоният ҳукмига ҳавола этган Зардушт

Зардушт

донишманд уч минг йиллардан бери руҳан яшаяпти-ку?! Ёвузлик эса ҳамиша мағлубдир. Ҳаттоки, кучга кирган вақтларида ҳам.

3

Тўра Қурёзов чизмалари сақланаётган омборхонани дурдона картиналар хазинасига ўхшатгим келади. Картиналар турли-туман мавзуларга оид. Тарихий мавзуларга; табиат мавзуларига; коинот мавзуларига... Масалан, “Анахита” картинасидаги образ учаётган алпозда тасвирланган. “Зардушт” картинасида донишманднинг орқа фонида ер сайёраси айланаётгандай... “Бибихоним” ва “Севинбека” образлари фонида мовий ранг устувор. Ҳар битта образ башарият қисматидан роз сўйлаётгандек!

Насрнавис Раъно Раҳмонберди қизи лавҳамиз қаҳрамони ҳақида шуларни ёзибди: “Ўзбекистон Рассомлар академияси аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Қурёзовнинг “Туркий ҳукмдор хонимлар” мажмуида ишлаган картиналари орасида “Шажарат уд-дур” алоҳида ўрин тутади.

Хоним аслида ким бўлган?

Рассомнинг халқ орасида тарқалган ривоятларни изоҳлашича, Шажара Хоразмда оддий бир кишининг қизи бўлган экан. Гўзаллик, ҳусн-жамол ҳам бахт, ҳам фожиа деганларидек, Шажара турли савдоларни бошидан ўтказган. Беқиёс соҳибжамол қиз ўғирланиб, Эронми, Миср томонларда қул, чўри қилиб сотиб юборилган экан”.

Муаллифнинг таъкидлашича, немис олимаси Аннемари Шиммель “Жонон менинг жонимда” номли асарида чўрилар орасидан чиққан Шажарат уд-дур бир неча йиллар мобайнида малика сифатида Мисрни бошқаргани ҳақида маълумот беради. “У иккинчи Клеопатра номи билан Миср, Туркия ва бошқа шарқий мусулмон юртларида машҳур бўлган экан. Турк ижодкорлари то-



Севинбека

монидан Шажара хоним ҳақида балет яратилган ва ҳар хил қизиқарли ривояту ҳикоятлар сақланиб қолган”.

Дарҳақиқат, тарих тасвирларда “тирилса” инсоннинг ақлу ҳуши лол қолар экан. Бу ҳам бир мўъжиза! Тўра Қурёзовнинг айтишича, мозийга дахлдор ҳар битта образининг прототипи мавжуд. У қиёфаларни ўйлаб топмайди; фантазия қилмайди, балки, ўзи кўрган “эгизак” деб билган қиёфалардан нусха кўчириб, янада бойитади. Зардушт донишманднинг кўзига қаранг: руҳиятингиз жунбушга келгандек туюлади. “Инсон қиёфасини тикламоқ учун энг, аввало, “тирик кўз” топмоқ лозим. Руҳнинг “даричаси” кўз орқали намоён бўлади. Айтайлик, мен Жалолиддин Мангубердининг “кўзини топишга” умримнинг кўп вақтини сарфладим” дейди Тўра ака.

Тарихдан маълумки, Ислом дини бизнинг ҳудудимизда кучга кирганидан сўнг инсоннинг аниқ қиёфаси чизилишига изн берилмаган. Қиёфалар ностандарт шаклга келтириб ифодаланган. Шарқ миниатюра санъати сўзимизга яққол далил бўла олади. Хуллас, Европа тасвирий санъати билан ўзаро таққосланганда ўзбек тасвирий санъати анча ёш. Иловатан айтганда, жаҳон тамаддунининг қадимий ўчоқларидан бири саналмиш юртимизга оид рассомлик Тўра Қурёзов мўйқалами орқали қайтадан “кўз очаётир”.

Ҳа, демократик тамойиллар тантана қилаётган бугунги кунимизда тасвирий санъат қайтадан жонланмоқда. Ушбу ишда бой-бадавлат, маърифатпарвар, миллатпарвар инсонлар саъй-ҳаракат кўрсатсалар, улуғ рассомлар тарафидан яратилган дурдона картиналар эвазига уйларига мазмун киритсалар айни муддао бўлур эди.

Сайёра СОЛАЕВА,
журналист.

ХОРИЖДА

НАВБАТ МЕКСИКАГАМИ?

Ўтган ҳафталар давомида Германия ва Бельгия каби Европа давлатларида кучли ёмғир ёғиши оқибатида юзага келган сув тошқинлари аҳолига катта талафот етказган эди. Энди навбат Мексикага келганга ўхшайди.

26 июль куни кечаси Мексиканинг Халиско штатидаги Запопан шаҳрида ёғган кучли ёмғир селлар ва сув тошқинларига сабаб бўлган. Натижада 310 та уйга зарар етиб, 12 та автомобиль йўлда қолиб кетди. Тошқинлар ичида қолган 61 кишини қутқарув жамоалари қайиқларга чиқариб олишди.

Кучли ёмғирлар натижасида шаҳарнинг уч қисмида ботқоқликлар ва икки жойида ўпирилишлар пайдо бўлган. Эл Секо анҳорининг тошиши оқибатида бир неча қишлоқларда юзлаб фермер хўжаликлари ҳам зарар кўргани айтилмоқда.

Хелиско штати маъмурияти зарарни баҳолаш бўйича ишлар бошланганини ва махсус гуруҳлар тошқиндан жабр кўрган оилалардан хабар олиб, уларга кўмак бераётганини маълум қилди.

Жабрланганларга ёрдам бериш учун транспорт воситалари, қурилиш техникалари, вертолётлар ва 600 нафарга яқин жамоат ишчилари жалб қилинган.

57 КИШИ НОБУД БЎЛГАН

Халқаро Миграция ташкилотининг хабар беришича, Ўрта Оқдениз-нинг Ливия соҳилларида тартибсиз жойлашиб олган муҳожирлар кетаётган қайиқ ағдарилиши туфайли камида 57 киши нобуд бўлган.

Балиқчилар ва соҳил қўриқчилари томонидан қирғоққа олиб келинганларнинг сўзларига кўра, чўкиб кетганлар орасида камида 20 нафар аёл ва икки нафар бола ҳам бўлган.

Ҳар йили қашшоқлик, қурғоқчилик, можаролар ва бошқа сабабларга кўра Африкадан кетиб, Ливия орқали Европа қирғоқларига боришга ҳаракат қилаётган минглаб ноқонуний муҳожирлар мана шундай фожиаларга дуч келмоқда.

ШИМОЛИЙ ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ЎЗАРО АЛОҚА ТАРМОҚЛАРИНИ ТИКЛАДИ

Жанубий ва Шимолий Корея ўртасидаги 2020 йилда узилган алоқа линиялари икки мамлакат раҳбарларининг ёзишмаларидан сўнг, тегишли келишувга кўра тикланди, деб хабар қилди Корея Республикаси президенти маъмурияти.

2020 йил 9 июнда барча тармоқлар фаолияти тугатилган эди. Орадан 14 ой ўтиб яна алоқа ўрнатилди.

“Жанубий ва Шимолий Корея ўртасидаги алоқа 27 июль куни узилган ва алоқа линияларини тиклаш учун ҳам айнан шу сана танланди. Кореяларо алоқанинг тикланиши ривожланишга ижобий таъсир қилади, деган умиддамиз”, дейилади президент маъмурияти хабарида.

Эслатиб ўтамиз, 2020 йилнинг ёзида Жанубий Кореядаги Пхенянга қарши фаоллар Шимолга тарғибот варақалари ва материалларини юборгани сабабли кореяларо муносабатлар кескинлашган эди.

Шундан сўнг Шимолий Корея марказий ахборот агентлиги Жануб билан барча алоқа линиялари, шу жумладан, ҳарбий каналлар ва икки мамлакат юқори раҳбарияти ўртасидаги махсус тармоқ тўлиқ ўчирилганини эълон қилган эди.

АҚШ ИРОҚДАГИ ҲАРБИЙ ОПЕРАЦИЯЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШНИ ТЎХТАТАДИ

АҚШ жорий йил 31 декабрга қадар Ироқдаги ҳарбий операцияларда иштирок этишни тўхтатади. Хавфсизлик бўйича муносабатлар ўқув машғулотлари, маслаҳатлашувлар, разведка маълумотларини олиш учун ўтказилади. Шунингдек, Қўшма Штатлар Ироқ хавфсизлик кучларини қўллаб-қувватлашда давом этишини маълум қилди.

Бу ҳақда АҚШ давлат котиби Энтони Блинкен ва Ироқ ташқи ишлар вазири Фуад Ҳусейн ўртасидаги музокаралар якунлари бўйича баёнотда таъкидланган.

Лекин унда Америка қўшинларининг Ироқдан олиб чиқилиши ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ, ҳозирда мамлакат ҳудудида 2,5 мингга яқин АҚШ ҳарбийлари мавжуд.

Келаси ҳафта душанба куни АҚШ президенти Жо Байден Оқ уйда Ироқ бош вазири билан музокаралар олиб боради. Маълумотларга қараганда, учрашув якунлари бўйича томонлар АҚШнинг ушбу мамлакатдаги ҳарбий миссияси тугаганлигини эълон қилиши кутилмоқда.

ТУНИСДА СИЁСИЙ ИНҚИРОЗ

25 июль куни Тунис президенти Қаис Саид Халқ вакиллари ассамблеяси фаолияти 30 кунга тўхтатилишини, барча депутатларнинг дахлсизлиги бекор қилинишини ва Бош вазир Хишам Машишининг истеъфосини эълон қилди. Бу мамлакатнинг бир нечта йирик шаҳарларида норозилик намойишлари бўлиб ўтганидан сўнг содир бўлди.

Акциялар иштирокчилари ҳокимиятдан парламентни тарқатиб юборишни, сиёсий режимни ўзгартириш ва республикадаги эпидемиологик ва ижтимоий-иқтисодий вазият ёмонлашгани учун масъулларни жавобгарликка тортишни талаб қилган.

Мамлакатдаги вазият бўйича хавфсизлик хизматлари ва ҳарбийлар вакиллари билан ўтказилган шошилинч йиғилишда Тунис президенти парламент фаолияти тўхтатилишини эълон қилди. 26 июлда Қаис Саид Ички ишлар вазирлиги, миллий мудофаа вазири ва адлия вазири вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлаган ҳукумат раҳбарларини истеъфога чиқарди. Мамлакат ҳокимияти пойтахтга ҳукумат армиясининг бўлинмаларини киритди. Қўшинлар шаҳар марказида, хусусан, Халқ вакиллари ассамблеяси биноси ва миллий телекомпаниянинг штаб-квартирасида жойлашган. Бундан ташқари, ҳарбийлар Ҳукумат саройини тўсиб қўйишди ва ходимларни унинг ҳудудига киритишмаяпти.

Парламентда иккинчи ўринда турувчи “Тунис юраги” партияси вакиллари, инқирозни янада кучайтирмаслик учун ассамблеяни зудлик билан тиклашга чақирдилар. Партия президентнинг ҳаракатларини мамлакат конституциясини жиддий бузиш ва ҳокимиятни ўзлаштиришга уриниш, деб ҳисобламоқда.

Интернет манбалари асосида
Шаҳзод ШОДМОНОВ тайёрлади.

“Hurriyat” газетаси жамоаси АТБ “ Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Ахборот хизмати раҳбари — Бошқарув раисининг ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси Беҳзод Бозоровга онаси

КАРИМА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МАЪНАВИЯТ

Юртимизда азалдан пойдевори мустаҳкам бўлган маҳалла миллий менталитетимиз тимсоли бўлиб келган. Маҳаллалар қадриятлар ва урф-одатларни авлоддан-авлодга етказувчи ижтимоий макон сифатида ўзлигимизни англашга ва ватапарварликни юксалтиришга хизмат қилади. Маҳаллага мустақиллиқнинг дастлабки йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мақоми ҳам берилганини биласиз.

ХАЙРЛИ ҲАМКОРЛИК

Сўнгги йилларда янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам миллий ғоя масаласи борасида қатор қарорлар қабул қилинди. 2021 йил 19 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ана шу масалага алоҳида урғу берилган эди. Яъни, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. “Бир зиёли — бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асосида ҳар бир маҳаллага профессор-ўқитувчи ва таниқли зиёлилар бириктирилди.

Шунга кўра, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг 251 нафар профессор-ўқитувчилари ҳам вилоятимизнинг Қарши, Касби, Муборак, Косон ва Китоб туманларидаги ўзларига бириктирилган маҳаллаларда бўлиб, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этишмоқда.

Учрашувлар “Янги Ўзбекистон — янгича дунёқараш” шиори остидаги маданий-маърифий тадбирлар билан бошланди. Жумладан, институтнинг “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси мудири О. Бегимов, катта ўқитувчилар Ю.Рахманова, Н.Шодмановалар Косон тумани “Қуйбоғ”, “Боғишамол”, “Дарча” маҳаллаларига бириктирилган бўлиб, маданий-маънавий тадбирлар ташкилотчиларидан бўлишди.

Тадбирларда тақдимотлар ва кўргазмалар шаклида тақдим этилган мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар тўғрисидаги маълумотлар аҳолининг хабардорлигини оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, “Маҳалла ва таълим муассасаси” ҳамкорлиги ёшларимизни маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб вояга етказиш, Она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, аввало, уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни янада кучайтириш, миллий ўзлигимиз ҳамда дунёни чуқур англайдиган инсонлар бўлиб улғайишида муҳим ўрин тутмоқда. Маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигининг ҳайрли самараси мамлакатимиз ривожига катта ҳисса қўшишига шубҳа йўқ.

Нигора ШОДМАНОВА,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти катта ўқитувчиси.

ХОТИРА

Муносиб умр саодати

Ўтган ҳафта давомида сирдарёлик журналистлар учун вилоятдаги давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан бир қатор медиатур, ижодий учрашувлар ташкил этилди.

Айниқса, “Сирдарё” газетаси бош муҳаррири бўлиб фаолият юритган таниқли журналист Умарқул Очиловни хотирлаб ташкил этилган хотира тадбири узоқ йиллар давомида сирдарёлик журналистлар, ижодга ошно ҳамюртларимиз хотирасида муҳрланиб қолади, десам адашмасам керак.

Умарқул Очилов ўзидан муносиб ном қолдирган инсонлардан. У умрининг салкам эллик йилини матбуот соҳасига бахш этди. Қанча сувлар оқиб ўтмади дейсиз. Журналистни метиндек иродасига бўйсуниб, метин бўлмаса-да тошдек залворли юкини бир ўзи эмас, турмуш ўртоғи, фарзандлари билан бирга тортди, элда ўз номига эга бўлди.

Сирдарёга илк маротаба келган одам борки, аввал шоир Тўра Сулаймонни, сўнг албатта Умарқул Очиловни эслайди.

Устознинг шогирди, нафақахўр Ҳикматилло Сулаймоновнинг дала боғида, очиқ осмон остида журналист, шоир-ёзувчи ва фермерлар иштирокида ўтказилган хотира тадбиридаги дардчил инсон дардлари, қалби кемтик инсонларнинг қалб кемтиклари, бахтли инсон бахт йўллари барчани ўйга толдирди.

Умарқул Очилов ҳақиқатгўй, ҳалол ва жуда камтар инсон эди. Сирдарё туман ҳокимлигининг “Сирдарё” газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлаган кезларда, айниқса, ёшларнинг ғамхўр устози эди. У ҳаётда одамларга фақат ва фақат яхшилик қилишни ўйлар эди.

Муҳими, ўтганларни эслаш, хотирлаш эмас, улар қолдирган ажойиб хотиралар, ҳаётий ҳикматлар, бугун ўша кунгидан-да улуғроқ ва салобатли эканлигини англашдир.

Устозимиз Умарқул Очиловни хотирлаб келган журналистлар, шоир-у ёзувчилар, қолаверса, у кишининг маҳалладошлари илиқ фикрлар, бир-биридан қизиқ хотиралар билан бўлишишдики, ёддан чиқмайдиган бўлди.

Ўз мухбиримиз.

ОНАЖОНЛАР, РАНЖИМАНГ!

Ёки садоқатнинг, эътиқоднинг, эзгуликнинг чегараси бўлмайди

1-б.

Нима эмиш Бешқўтон ўрисчасига қўпол эшитилармиш. Бу ҳар қалай, собиқ коммунистларнинг фикри ва тушунчаси эди...

Ана энди, муддаога ўтсак бўлади. Яқин танишимнинг акаси вафот этган экан. Телефон орқали жанозага айтди. Дарҳол ишни йиғиштириб бордим. Тумонат одам. Саратоннинг чилласида васият вожиб деб марҳумни Термиз шаҳридан Музработ ота қабристонига олиб бордик. Оралиқ масофа бир юз ўттиз чақиримдан узоқроқ, одамлар иссиқдан эзилиб кетишди. Етиб боргач, мангулик манзилини кўриб ҳайратда қолдим. Атрофлари тош билан жимжимадор қилиб ўралган. Мақбарадан тортиб, таҳоратхона, айвонлар, йўлаклар шарқона бунёд этилган. Бежирим ва маҳобатли темир дарвоза қўйилган. Ўн беш чоғли Хоразм, Самарқанддан келган усталар қўли қўлига тегмай ишлашяпти. Маросим ниҳоясига етгач, касбим тақозосидан у-бу нарсани суриштирдим. Усталар ва ишчилар биз айтилган ишларни бажараяпмиз, бошқасини билмаймиз дейишди.

Кимдир фалонча мулла бобо билади деди. Бир гал йўлим тушганда мулла бобони топиб учрашдим. Гап айлангач, шунча хайрли ва савоб ишларни қилаётган Ҳотамтой ким экан, бундай ҳурматли инсон ҳақида бир нарсалар қораламоқ ниятида келдим, деб сўрадим. “Ҳомийни нима қиласиз, бориб бажарилган ишларни кўринг” деди. Ўжарлик билан туриб олдим. Қария ранжиб оғир сўниш олди: “Болам, оталаримиз зарини, завжасини, зурриётини кўз-кўз этишмаган, омонатга хиёнат қилишмаган. Бу нарсалар ор ва номус ҳисобланган. Зар пинҳона, зан пинҳона, деган нақл шундан қолган бўлса керак. Бир куни бир аёл киши келди. Бошидан ўтганларни гапириб, агар менинг шартимга рози бўлсангиз, қабристон ва зиёратгоҳни эл кўргудай обод қиламиз деди. Биринчидан, менинг кимлигимни ҳеч кимга айтмайсиз. Иккинчидан, энг диёнатли, ўзингиз ишонган кишини иш бошқарувчи қилиб қўясиз. Аёлнинг севимли умр йўлдоши ва ўғли бир пайтлар шу қабристонга қўйилган экан. Ўзи Россияда ишлармикан, яшармикан билмадим. Бандасининг лафзи, васияти ҳам омонатдай гап, унга хиёнат қилиш Аллоҳга шак келтириш билан баравар. Болам, энди менга рухсат, жума намозига боришим керак”, дея суҳбатга мулла бобо якун ясади.

Ўзимча чамаладим, бу ерда камида икки миллиард сўмдан кўпроқ иш бажарилган. Мана сизга онанинг, умр йўлдошининг саховати ва матонати! Мана сизга Садоқатнинг, Эътиқоднинг, Эзгуликнинг тимсоли! Мавлоно Румий ҳазратларининг “Ичиндаги ичиндадир,” деган каломининг ботиний моҳияти шунда эмасми, деб ўйладим.

Ҳаммамиз гувоҳмиз, ўтган йилдан бери пандемия туфайли халқимиз, давлатимиз оғир синовларни бошдан кечирди. Музработ туманидаги “Меҳнатобод” маҳалласида хайрли ишлар бўлаётгани қулоғимга чалиниб қолди. Маҳалла бешта қишлоқдан иборат. 827 хўжаликда 4747 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалланинг катта автомобиль трассаси бўйлаб жойлашган қисмидаги фуқаролар бирор жойга бориш учун икки чақиримдан ортиқроқ йўл юришига тўғри келарди. Сабаби асфальт йўл ёқалаб катта анҳор ўтган. Ўтган йили айни пахта терим пайтида кўприк қурилгани туфайли маҳалла аҳлининг узоғи яқин, оғири енгил бўлди. Маҳалла раисига шу нарсани давлат режасига киритганларингиз зап хайрли иш бўпти, деганмизда кутилмаган жавобни олдик.

Маълум бўлишича, туманиннг “Шаффоф” маҳалласида яшовчи зиёли онахон Мавлуда Алимназарова тўсатдан бетоб бўлиб қолибди. Аҳволи оғирлашгач, турмуш ўртоғи ва ўғилларини чорлаб: “Ҳажга бораман деб узоқ йиллардан буён пенсия пулимни йиғиб юргандим. Шуни Мавлон ота қабристонини ободонлаштиришга ва кўприк қуришга сарфлайсизлар,” деб васият қилибди.

— Бу кенгга кенг, торга тор дунё. Охиратлари обод бўлсин, бу кўприк онахоннинг маблағи ҳисобига ёдгорлик сифатида ҳашар йўли билан қурилди, — дейди “Меҳнатобод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустам Алимназаров. — Туман ҳокимлигининг қарори билан Мавлон ота қабристонига беш гектар ер ажратилганди. Қабристонга ўтиш жойи сал ноқулай бўлганлиги учун бу ерда ҳам мустаҳкам кўприк қуриб, унинг атрофини панжара билан ўраб, чиройли дарвоза ўрнатишди. Яна юз метр жойини асфальт қилишди.. Буларнинг бари марҳума онахоннинг етмиш миллиондан ортиқ маблағи ҳисобига амалга оширилди. Яқинда яна бир онахонимиз Зулфизар Жумаева йиғиб юрган нафақа пуллари ҳисобига маҳалланинг икки километр йўлига тош тўктириб таъмирлатди.

Яна бир ибратли ҳол, рўзаи Рамазон ойи шарафига ҳамда Хотира ва қадрлаш куни олдидан қабристонни ободонлаштириш мақсадида ўнлаб савобталаб инсонлар шахсий жамғармаси ҳисобига ҳашар уюштиришган. Кимлардир юзлаб арча ва гул кўчатларини экишган. Йўллар равон қилинган, шинам айвонлар, дарвозалар ва панжаралар рисоладагидек бўялган. Кўрганнинг кўзи қувонади. Мана миллий қадриятларимиз, миллатимизнинг фақат ва фақат ўзига хос бўлган феъли, менталитети!

Бугун бир ночор қарияга бир кило шакар, ёки ногирон кишига бир қути ёғ ҳадя қилишдан олдин ойнаижаҳон мухбирларини, газеталар вакилларин чорлаб, оғзини кўпиртирганча дунёга жар солаётган айрим “савоб талаб ҳотамтойлар” бу ўйинлар ҳидоят, саховат, ҳадя эмас, таъма ва мақтанчоқликдир! Ёки хижолатли ҳолатдаги бандани янада хижолат қилишдан бошқа нарса эмас! Савоб учун Аллоҳ йўлида миллионлаб, миллиардлаб маблағ сарфлаб, яна исми шарифларини сир тутишни илтижо қилган онахонлар ҳадянгизни, эзгу тилак ва илтижоларингизни Яратган қабули даргоҳ қилсин. Биргина ўтинчимиз, омонатни ошкор қилганимиз боис одобсизлик дея биздан ранжимасангиз бўлди.

Сафар ОМОН,
“Hurriyat” мухбири.
Сурхондарё.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ФАЗИЛАТЛИ ОДАМ

Ўтган йили бир юмуш билан қўшни вилоятга боргандик. Сафаримизни иккинчи куни ишларимиз ҳам битди. Энди уйга қайтиб кетаман, деб тургандим, башанг кийинган, жуссали киши: “шошманг меҳмон”, деб қолди. Мен нотаниш кишига ҳайрон бўлиб қарадим.

Бирон иши бордир-да, дея у билан сўрашдик.

— Сирдарёданмисиз? — сўради у.

— Ҳа — дедим бош қимирлатган кўйи.

— Унда шошманг. Уйга борамиз. Кун ҳам кеч бўлиб қолди. Узоқ йўл. Манзилга етишни ўзи бўлмайди.

— Биз шошиб тургандик. Ўзи икки кун қолиб кетдик.

Мезбонни авзойи бузилди чоғи:

— Бўлмайди, — деди қатъий. — “Тойчоқ”ни бизни кулбаи вайронамиз томон ҳайдайсиз, — дея енгил машинамиз капотининг устига қўли билан секин уриб қўйди...

Ноиложликдан, у кўрсатган хонадонга бордик. Оиласидагилар ҳам ўзига ўхшаган экан, қирқ йиллик танишини кўргандек, бизни кутиб олишди. Уйга кирдик.

— Гапнинг очиғи, Сирдарё ажойиб жой, — деди мезбон. Сўнг Сирдарёга боргани, Гулистон ва Сайхунободда кўп маротаба бўлганлигини тўлқинланиб, жўшиб гапира кетди. — Бир дўстим бор, “таги” (туғилган жойи демоқчи) Самарқандниг Қўшработидан. Отаоаси Мирзачўлни ўзлаштириш учун 1958 йили “Бўстон”га кўчиб келишган. Қозоқбой ота бамаъни, бир сўзли, меҳнаткаш одам эди. Пахтачиликнинг пири десаям бўлади. Олдин биригадир, сўнг бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлади. У кишининг рафиқалари Турдихол момони дўстим туфайли мен ҳам она дердим. Уларнинг фарзанди — Файзулла дўстим эса ажойиб йигит. Ажойиб шифокор. Уни танимаган одам, менимча, Сирдарёда топилмаса керак.

— Ҳа билдим, сиз айтган одам бизни Файзулла Қозоқович (уни билганлар ҳазиллашиб Казакович деб чақиради)да, — дедим.

— Яшанг, — деди мезбон. – Ким сирдарёлик бўлса, ундан дўстимнинг исини туяман. Шунинг учун сизни уйимга олиб келдим-да.

Суҳбатимиз алламаҳалгача давом этди. Сирдарё, Сирдарёнинг меҳридарё одамлари, далалари, боғлари тўғрисида гаплашдик. Эртасига тонг саҳарлаб йўлга тушдик. Йўл йўлакай, камтарин, камсуқум, олийжаноб, қўли енгил шифокор акамиз Файзулла Мавлоновнинг хислатларини, босиб ўтган умр йўлларини кўз олдимга келтирдим.

У мезбон акамиз айтганидек, Самарқанднинг Қўшработида эмас Сирдарёнинг Сайхунободида туғилган. Болалиги далада, отасини ёнида ўтган. Ниятни яхшиси яхши-да. Қозоқбой ота Файзулладаги иқтидорни кўра-билган. Тиришқоқ, ўта камтар ва меҳнаткаш Файзулла акани Тошкент Тиббиёт педиатрия институтида ўқишига қаршилик қилмаган.

Файзулла ака 1994 йили мазкур институтни тамомлаб, Сирдарё вилоят болалар шифохонасига, ҳозирги вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига йўлланма асосида ишга келди. У ерда анестезиолог-реаниматолог шифокор бўлиб ишлай бошлади. Катта ёшли, тажрибали шифокорлардан касб сирларини ўрганиб, институтда ўқиб юрган кезлари олган билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаб тажриба орттирди. Жамоадошлари назарига тушди.

Тиришқоқлиги, шифокор сифатида қўли енгиллиги сабаб уни шифохона бош шифокори реанимация бўлимига врач этиб тайинлади. Ва болаларда кечаётган турли оғир хасталикларнинг олдини олиш, ўз вақтида аниқлаб, самарали даволаш ишлари йўлга қўйилди.

1999 йили Файзулла Мавлонов Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари вазифасида фаолият юритди. Орадан бир йил ўтиб, шаҳар Тиббиёт бирлашмасининг бош шифокори вазифасига тайинланди.

Энди унинг зиммасига янада масъулиятли вазифа юклангани. Қўл остида ишлаётган шифокор ва ҳамшираларни бирини ака-укасидек, бошқасини опа-синглисидек ўзига яқин тутди. Шу тариқа ҳар қандай муаммога осон ечим топди.

Ўша пайтлари Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ишлари бошлаб юборилган эди. 2001-2003 йилларда қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш дастури доирасида ишни вилоятда биринчилардан бўлиб бошлаб берди. Шаҳар марказий шифохонаси таркибидаги Баҳор, Охунбобоев, Улуғобод маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида янги, замонавий “Баҳор-1”, “Баҳор-2”, Охунбобоев ва Улуғобод шаҳар врачлик пунктларини қурилишида, фойдаланишга топширилишида ва моддий техника базасини мустаҳкамланишида бош-қош бўлди.

Бу ишлар эътибордан четда қолмади. Уни вилоят болалар шифохонасига бош шифокор вазифасига ўтказишди. Ундан сўнг Соғлиқни сақлаш вазирлиги назорат инспекциясининг Сирдарё вилоят бўлими бошлиғи, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлади.

Эсимда, бир гал бир иш билан ҳузурига бордим. Ишнинг ва топшириқни кўплигиданми, қўли қоғоздан ва телефондан бўшамади. Анча вақт кутиб қолдим.

— Узр, — деди Файзулла Мавлонов. — Сизни куттириб қўйдим.

— Тушунаман, катта жамоа. Бошқаришни ўзи бўлмайди. Бунинг устига, ҳозир тиббиёт ходимларига топшириқлар кўпайган.

— Эй раҳмат. Мени тушунадиганлар ҳам бор экан-ку. Хўш, бизга нима хизмат.

— Ўғилимни олиб келгандим. Ошқозони билан боғлиқ муаммоси бор. Яна тез-тез боши оғриб туради. Сизни яхши шифокор дейишувди, олиб келгандим.

Файзулла Мавлонов мен раҳбарман демади. Эринмасдан ўз хоналарида текшириб кўрди ва зарур маслаҳатларни берди. Айтганларига амал қилиб, даво муолажаларини ўйда олиб бордик. Натижаси ёмон бўлмади. Худди дардни кўрмаган-билмагандек бўлиб, чопқиллаб кетди. У кишига олиб боргунга қадар кўп шифокорларга мурожаат қилгандик. Аммо натижаси бўлмаётганди.

Ўғлим ўн тўққизда. Касалликдан асар ҳам йўқ. Соғ-саломат. Келишган йигит бўлган. Ҳазиллашиб қўяман: Файзулла Казаковични туғишган укаси бу, деб.

Орадан анча йил ўтиб яна олдиларига бордим.

— Сиз ҳақингизда, соҳангизда олиб борилаётган ишлар ҳақида газетага мақола ёзмоқчиман, — дедим.

— Мен ҳақимда ёзмасангиз яхши бўларди. Аммо соҳамизда олиб борилаётган ишлар хусусида ёзсангиз маъқул иш.

Бугунги куннинг энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масалаларидан бири, оналар ва болалар масаласи. Улар саломатлиги. Миллат генофонди ўшаларга боғлиқ. Шу боисдан соғлиқни сақлаш тизимида оналик ва болаликни муҳофаза этиш, ҳомиладор аёлларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида, вилоятда перинатал ва скрининг, аёллар репродуктив саломатлик марказларини ташкил этдик. Кадрлар масаласига алоҳида аҳамият қаратиб, малакали акушер-гинекологлар, неонтолог ва педиатрларни қайта ўқитиб, малакасини ошириб шу соҳага йўналтирдик. Натижа ёмон бўлмади.

Вилоятда оналар ва болаларнинг ўлим кўрсаткичи сезиларли даражада камайди. Бу эса бизнинг ютуғимиз. Бундан ташқари, она ва бола саломатлиги бўйича профилактика-тушунтириш ишларини йўлга қўйдик. Бунда бизга шаҳар ва туман ҳокимлари катта ёрдам қилди. Мавжуд муассасаларимизга замонавий даволаш жиҳозларини олиб келиб ўрнатдик. Вилоят шифохоналари ва алоҳида ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари негизида режали хирургия, терапия, кардиология, урология бўйича тиббий хизматлар кўрсатувчи вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказини, вилоят болалар шифохонаси негизида болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини, шаҳар ва туман шифохоналари негизида шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларини ташкил этиб, илгарилари самарасиз ишлаган болалар ва катталар поликлиникалари ўрнида кўп тармоқли поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этдик. Сиз яхшиси ана шулар тўғрисида ёзинг, — деди Файзулла ака.

Ҳа, Файзулла Мавлонов сермулоҳазали, кўпни кўрган, ютуқлар қатори қийинчиликларни ҳам бошидан ўтказган одам. Ҳеч қачон биронбир кишининг ноҳақ кўнглини ранжитмаган.

Қашқадарёга сафарим чоғи самарқандлик дўстимни учратиб қолдим, у:

— Файзулла акани яхши танийман-ку, аммо уни сирдарёликлар ҳам танишини билмабман, — дейди самарқандлик дўстим Насимжон Ашуров. –У киши билан суҳбатлашсангиз маза қиласиз. Илмли одам. Ҳозир қаерда ишляпти?

— Ҳозирми, Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи. Унга қадар, бир муддат вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаган.

— Э, шунақами, — деди у кулиб, — гап буёқда экан-да...

Деҳқонободдаги суҳбатимиз анча давом этди. Дўстим икковимиз бир режани амалга оширишга келишиб олдик. Сирдарёда учрашадиган ва яна Файзулла Мавлонов билан суҳбатлашадиган бўлдик...

Кўнглимиздан эса шундай ўйлар кечади: дунёда касб-корлар кўп, одамлар кўп. Лекин, ҳар бир кишики эларо ҳурмат ва эътиборни, аввало, инсоний фазилатлари, одамларга қилган, қиладиган яхшилиги билан топар экан. Бунга Файзулло Мавлонов ҳаёт йўли ҳам бир яхши мисол.

Ғулом ПРИМОВ,
“Hurriyat” мухбири.

Тошкентнинг қоқ марказида...

(Сўзбоши ўрнида)

1 - б.

Тошкентнинг қоқ марказида Алишер Навоий кўчаси бор. Ўз даврида у Тошкўча, Каттакўча, Шайхонтоҳур номлари билан аталган. Мана, саксон уч йилдирки, улуғ шоир номи билан шуҳрат топиб келади. Унинг ўртасида эса “Навоий – 30” деган улкан бир бино бор.

ХХ аср совет архитектурасининг мукаммал тимсоли бўлмиш бу азамат бинонинг баланд пештоқлари, осмон устунидай баҳайбат колонналари, муаззам аркалари, ялтироқ мис қуббали маҳобаткор дарвоза ва эшиклари, кенг-мўл мармар зиналари, вазмин-сипо деразаларидан ўз вақтида чўнг бир салобат ёғилиб турарди.

Бу муҳташам иморатнинг ўрни илгари қандай жой бўлганини бугун камдан-кам одам эслайди. Эслайдиганларнинг кўпи энди йўқ – охират дунёсига қайтмас бўлиб кетганлар, қолганлардан эса афсуски, буни ҳеч ким сўрамайди.

Тарихни умумий тушуниб, умумий идрок этадиган халқимиз нима учундир хусусий тарих ҳақида кўп ҳам қайғурмайди, бунга рағбат ва майл кўрсатмайди.

Ҳолбуки, ўзлигини англаган, ўз қадрини биладиган ўлка ва элларда нафақат мамлакат ва шаҳар, балки ҳар бир кўча, иморату иншоотнинг ҳам ўз тарихи бор ва ана шу тарихни соатлаб завқ билан сўйлаб берадиган қиссагўй-ровийлари ҳам бор.

Майли, нима бўлганда ҳам, ўтган асрда, ўзбек элининг пойтахти Тошканди азимнинг юрагида, эллигинчи йилларнинг охири – олтмишинчи йилларнинг бошларида, Рашидов раҳбарлигининг миёнасида икки улуғ даргоҳ – Марказий телеграф ва Ҳамза театрига ёндош бўлиб, ўз замони тушунчасига кўра буюк бир мажмуа ўлароқ қад ростлаган ушбу бино шунчаки оддий бир иморат эмаслигини аввал-бошданоқ қайд этиб қўймоғимиз жоиз.

Аммо бу сирли даргоҳга етиб бориш учун, аввало, Навоий кўчасини иккига ажратиб турадиган машҳур Ўрданинг кўпригидан ўтишимизга тўғри келади.

Кўприкка қадам қўйишдан олдин эса унинг ажабтовур тарихи ва шуҳрати ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

Оқ подшо мустамлакаси даврида Тошкент икки қисмга бўлинган: Ўрданинг кўпригидан юқорида европаликлар яшаган, улар учун барча қулайликлар муҳайё, маҳкамаю идоралар шу янги шаҳарда иш кўрган. Кўприкнинг бу томони – аҳли муслим истиқомат қиладиган Эски шаҳар эскилигича қолаверган. Ўрданинг кўприги шаҳарнинг икки қисми ўртасида гўё норасмий бир чегара вазифасини ўтаган. Янги шаҳарда кўнгилни хушлайдиган даргоҳлар кундан-кун шуҳрат топиб, аста-секин айрим эски шаҳарликлар дилига ҳам қутқу сола бошлаган. Пулдор мусулмон бойваччалар шаҳарнинг макруҳ саналган бу қисмидаги ресторану томошабоғларга авваллари ўғринча, қоронғилатиб келадиган бўлсалар, кейин-кейин, куппа-кундузи, ошкора равишда Ўрда кўпригидан извошда керилиб ўтадиган, қовоқхонаю исловотхоналарга танда қўйиб, маст-аласт думалаб ётадиган бўлганлар. Шу боис, Эски шаҳарда бирор суюқоёқ кимса ҳақида сўз боргудек бўлса, “Э, уми, Ўрданинг кўпригидан ўтган!” деб эслар эканлар.

Етмишинчи йилларда ана шу машҳур кўприкдан ўтиб, Ўрда томондан эниб борганингизда, трамвайлар жарангдор қўнғироқ чалиб, гулдираб ўтадиган кўчанинг ўнг қаноти муаззам ва олий иморатлар билан зийнатланганига, чап тарафда эса илгариги эски жарликлар ўрнида “Ярмарка” деб ном қозонган паст-баланд, омонат фанер дўкончалар мунчоқдек тизилиб турганига кўзингиз тушарди.

Ҳозир бу савдо расталаридан асар ҳам қолмаган, уларнинг ўрнида қад ростлаган беш қаватли “дом”лар “Тошкент Сити”га девор-дармиён қўшни бўлиб турибди.

Қисқаси, собиқ “Болалар дунёси” магазинидан бошланиб, Хадра майдонига қадар давом этадиган Навоий кўчасидаги ёнбошига “30” рақами зарб этилган бу азим иморат китобимиз қаҳрамонидир.

Эҳтимол, сиз, ҳеч замонда бино ҳам бадиий асар қаҳрамони бўлиши мумкинми, деб сўрарсиз.

Лекин Санъат номли оқсоч момо қалъалар ва қўрғонлар, сарой ва қасрлар, масжиду мадрасалар, бутхонаю калисолар ҳақида оташин ҳарорат ва маҳорат билан битилган қанчадан-қанча гўзал асарларга доя бўлгани тарихдан яхши маълум. Лоақал “Биби Марям ибодатхонаси”, “Садди Искандарий”, “Иф қалъасининг маҳбуси”, “Арбат болалари”, “Дарё бўйидаги уй” каби асарларни эслаш кифоя. Шу маънода, Навоий – 30 ўз сиймосида ҳам қалъа, ҳам сарой, ҳам қўрғон, ҳам қасри олийга хос жамики белги-аломатларни мужассам этгани учун, ҳеч шубҳасиз, бадиий асарнинг тўлақонли қаҳрамони бўлишга мутлақо муносибдир.

Унинг тарихи ва таърифини, бу даргоҳ аҳлининг ғаройиб қисматларини тасвирлаш учун “мингта Фирдавсий керак”[1]. Аммо фирдавсийлар ўтиб кетган, янгилари эса қачон туғилиши номаълум, шунинг учун ҳам “фақат ожиз қаламим маним”[2] деб, бу вазифани ўз зиммамизга олишга мажбурмиз.

Пастдан, пойгакдан туриб қараганда, Навоий – 30 қошида одам ўзини қандайдир фақиру ҳақир сезади, бетон ва цемент, мармар ва харсанг тошларнинг ажиб уйғунлиги ила бунёд этилган бу ҳайбатли қалъа қаршисида беихтиёр тизза қалтирайди.

Агар бу бинога тепадан – осмону фалакдан қарасангиз, ниҳоятда улкан “П” ҳарфи кўз ўнгингизда намоён бўлади. Номи бизга номаълум меъмор бу ҳарф ўйини орқали қандай рамзий маънони ифода этмоқчи бўлган экан? Партияга садоқатини изҳор қилмоқчи бўлганми ёки “ишлар пачава” деган қитмир бир маззмунга шаъма этганми – илло, буниси бизга қоронғи.

Эсласангиз, бу муаззам бино бағрида бир пайтлар ҳаёт денгиздай қайнаб, ижодий жараёнлар пўртана уриб ётарди.

Навоий кўчаси томондан кириладиган учта асосий дарвозанинг ён-деворларидаги қоп-қора фонга зарҳал ҳарфлар билан битилган, мақоми ва нуфузига қараб тартиб берилган тиллоранг пешлавҳалар бу улуғ иморат бағрида Маданият министрлиги, Кинематография давлат комитети, Нашриётлар, полиграфия ва матбуот ишлари бўйича давлат комитети, Совет Иттифоқи Телеграф агентлигининг Ўзбекистон бўлими, Журналистлар союзи ва ҳоказо ва ҳоказо бир-биридан нуфузли ва пурвиқор идоралар фаолият юргизишидан далолат берарди.

Бундан ташқари, бу баланд даргоҳ қаърида қатор-қатор нашриёт ва босмахоналар, газета-журналларнинг редакциялари, мафкура фронтига дахлдор жуда кўп керакли ва кераксиз ташкилот ва муассасалар ҳам қўр тўкиб ўтирар эди.

Уларнинг фаолият доираси бамисоли занжир ҳалқасидай бир-бири билан чамбарчас боғланган эдики, буни, масалан, муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган бир ташкилот (ВАПП) билан ана шу ҳуқуқларни поймол қиладиган яна бир идора (Главлит)нинг бир қаватда жойлашиб, апоқ-чапоқ ишлашида ҳам кўриш мумкин эди.

Ижод аҳли, қавми қалам бу даргоҳни оддийгина қилиб “Навоий – 30” деб атар ва бунда фақатгина хос одамлар тушунадиган қандайдир бир маъно, аниқроғи, сирли бир тилсим бордек туюлар эди.

Нафақат Ўзбекистон, балки узоқ-яқиндаги кўплаб адабий минтақалардан ҳам ижод дардига гирифтор бўлган минг-минглаб шайдою савдойилар мана шу маконга парвонадек талпинар эди. Барча адабий йўллар Навоий – 30 га элтарди. Барча адабий тақдирлар Навоий – 30 да туташарди.

Бу улуғ бино остонаси не-не инсонларни кўрмаган. “Панорама” киносаройи, Ёш томошабинларнинг рус театри, Адабиёт музейи, Шоирлар хиёбони, “Пассаж” китоб дўконлари, Ўзбекистон телевидениеси, Ҳамза театри, Кўкалдош мадрасаси каби масканлар жойлашган Навоий кўчаси бўйлаб қандай буюк зотлар кезмаган.

Бахтим шуки, мен ёшлик чоғларимда Навоий – 30 ва унинг маънавий ҳудудида ана шундай ғаройиб одамларни, беназир истеъдод эгаларини нафақат кўрдим, балки уларнинг дилкаш суҳбатларидан баҳраманд бўлдим, тақдир насиб этган экан, улар билан ижодий ҳамкорлик ҳам қилдим.

Наинки мен, бошқа ўнлаб шоир-адиблар ҳам ана шундай ажиб саодатга мушарраф бўлдилар:

Кўрдим: Шукур Бурҳон “Ҳамза”дан чиқиб,
Аста пиёдалаб кетди бир куни.
Бир ён гавжум кўча, бир ён расталар,
Оломон...
Кўпчилик билмади уни...

(Омон Матжон)

Орадан йиллар ўтиб, Навоий кўчасининг фуқаролари ва қироллари бўлган ана шундай инсонлар шаънига ушбу китобни битдим. Бу китоб Муҳит ва унинг қаҳрамонлари ҳақида. Тўпламдан ўрин олган, Навоий – 30 теграсида юз берган воқеалар ҳам моҳият эътибори ила ушбу макон руҳи билан йўғрилгандир.

Баъзи андишаларга кўра, айрим қаҳрамонларнинг исм-фамилияларини ўзгартириш лозим топилди. Зеро, адабиёт учун муайян шахснинг ному нишонидан кўра, унинг тийнати, хулқи ва сажияси, қилган ва қилмаган ишлари муҳимдир.

Айни вақтда мен фаришталар тарихини эмас, оддий инсонлар ҳаётини ёзаётганимни, хом сут эмган банда сифатида барчамизнинг нуқсон ва хатолардан холи эмаслигимизни унутмасликка ҳаракат қилдим.

Қўлёзмани китоб ҳолига келтиргач, бундоқ разм солиб, ушбу битикларнинг қайси жанрга ётишини, очиғи, ўзим ҳам билмай қолдим.

Дарҳақиқат, нима ўзи улар – ҳикоя ёки бадиаларми, мақола ёки хотираларми? Битта-яримта билгич одам бўлса, китобни ўқигандан сўнг балки айтиб юборар.

Ҳозирча эса бу паришон саҳифаларни “жанри йўқ китоб” деб аташга ўзимда журъат ҳис этдим.

Бугун чархи кажрафторнинг шеваси билан Навоий – 30- дан, унинг ўтмиш шаъну шукуҳидан фақат олис хотиралар қолди. Фақат кўз ёшидек тиниқ орзулар, ғараз ғуборидан холи интилишлар, мастона даврлар, дарвешона юришлар, бедор руҳ исёни, оташин инкор туйғулари, севги афсонаси, чигал ишқ изтироблари, самимий табассумлар, ажиб парвоз ва инқирозлар, барбод бўлган ва юксалган тақдирлар – қисқаси, шу жилвагар ҳаётнинг ранг-баранг таманнолари баъзан ҳориган юракларни жизиллатиб ўтади, холос.

Бир вақтлар Навоий кўчасини тўлдириб, гуллатиб-яшнатиб юрган, истеъдод-салоҳияти, азму ғайрати, ҳаётга муҳаббати билан ҳеч қачон қаримайдигандек, ўлмай дунёга устун бўладигандек туюлган не-не ғаройиб сиймолар энди ёдномалар қаҳрамонига айланди. Аксариятининг тимсоллари Адиблар хиёбонига кўчиб ўтди.

Уларнинг барчасини Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин. Ҳаёт бўлганларининг умрларини зиёда қилсин.

Баъзан маъюс чоғларимда ортга қарайман. Изимиздан янги адабий авлод келаётганини кўриб, кўнглим таскин топади. Насиб этса, улар ҳам ўзининг бетакрор ижодий муҳитини – ўз “Навоий – 30”ини яратар, деб умид қиламан.

Ҳурматли китобхон, кимлигингизни, исмингиз ёки ёшингизни билмайман – балки акам ё опам, балки укам ё синглим, эҳтимол, фарзанду набирам тенгидирсиз. Лекин гоҳо қувноқ, гоҳо маҳзун оҳанг ила битилган ушбу ёзмишларим сизни ҳам лоақал бир зумгина бизнинг беғубор дамларимизга, умримизнинг армонсиз даврлари кечган Навоий кўчасига, энди қайтмас бўлиб кетган Навоий – 30 деган бетакрор ломаконга қайтара олса, ҳаёт сўқмоқларида кўп ғурбатларни кўрган бу оқсоч бошим кўкка етган бўлур эди.

Миннатдорлик ила,
Хайриддин СУЛТОН.

[1] Эркин Воҳидовдан
[2] Абдулла Ориповдан

Навоий – 30

“ТИРИКЧИЛИКНИНГ АЙБИ ЙЎҚ”

Бу ҳангомани ҳам Эркин ака кулиб айтиб юрарди:

– Бир куни саҳар тонг қоронғисида “Жигули”нинг рулида ўзим, аэропортга кетаётган эдим. “Ғунча” кинотеатрининг олдига етганимда йўл четида қўл кўтариб турган одам шарпасига кўзим тушди. Дастлаб эътибор қилмасдан ўтиб кетибман, беш-ўн метр юриб, ёнбошдаги ойнадан орқага қарасам, эгнига қора чопон, бошига дўппи кийган бир йигит. Ким билсин, бечора жаноза-панозага шошаётгандир, деган хаёл билан изимга қайтиб бордим.

– Ҳа, ука, тинчликми? – деб сўрадим.

– Э, акажон, келинингиз оғироёқ эди, дард тутиб қолди, “тез ёрдам” келмаяпти, – деди йигит бетоқат бўлиб, – шунга...

Бунақа пайтда ўйлаб ўтиришнинг мавриди эмас, албатта.

– Қани, ўтиринг, – деб машинанинг эшигини очдим. – Қаёққа юрамиз?

– Раҳмат, раҳмат, барака топинг, – деб йигит суюниб кетди. – Ҳозир ўнгга, кейин чапга. Яқин ўзи, анави тўққиз қаватли “дом”да турамиз.

Ўн минутлардан кейин аёлини ўраб-чирмаб уйидан олиб чиқди, авайлаб машинага ўтқазди.

Булар Тахтапулдаги туғуруқхонага бириктирилган экан, машинани оҳиста ҳайдаб, ярим соатларда касалхонага етиб бордик. Дўхтир-ҳамширалар аёлни бирпасда тиббий замбилга солиб, ичкарига олиб кириб кетишди.

Машинани буриб ортимга қайтаётган эдим, бояги йигит югуриб олдимга келди.

– Ака, минг раҳмат сизга, умрингиздан барака топинг, – деди қуллуқ қилиб. — Бахтимизга Худо сизни етказди, бўлмаса, тоза қийналиб қолардик.

– Майли, эсон-омон қутулиб олсин, – дедим.

– Ака, – деди йигит узр сўрагандек, – энди мана шуни олиб қўясиз. Оз бўлсаям кўп ўрнида кўрасиз.

Бундоқ қарасам, битта қизил ўн сўмликни узатиб турибди.

Шу пайт денг, миямда бир лаҳза шайтоний қутқу йилт этди, лекин дарров ўзимни қўлга олиб:

– Эй қўйинг-э, ука, уят бўлади, – десам, йигит тушмагур қўлини кўксига қўйиб:

– Эркин ака, олаверинг, тирикчиликнинг айби йўқ, – дейди.

Хайрият-хайрият, шайтоннинг гапига кирмаганим. Бўлмаса, эртага бутун Тошкентда, нима дейсан, Эркин Воҳидов кечаси кира қилиб юраркан, деган гап тарқаб кетармиди...

“СЕН ҚАЁҚДАН БИЛАСАН?..”

– “Ёшлик девони” энди нашрдан чиққан пайтлар, – деб ҳикоя қилган эди Эркин ака, – мен учун ота мақомида бўлган тоғам Карим Сахибоевнинг уйига бир куни улфатлари меҳмондорчиликка йиғилишди.

Улфатлар ким десангиз, машҳур уламо, сиёсий арбоб Алихонтўра Соғуний, ака-ука ҳофиз Шожалиловлар, Маъруфхўжа Баҳодиров, шоир Чустий... Ҳаммаси мадраса кўрган эски одамлар. Мен чой ташиб хизмат қилиб турибман.

Бир вақт гап айланиб келиб, “Ёшлик девони”га тақалди. Суҳбатдошлар бири олиб, бири қўйиб китобни таърифлай кетишди. Уларнинг ҳаммаси бир фикрда якдил эди, яъни девонда ишқи илоҳий куйланган, ёр, дилбар, маъшуқа деганда, аввало, Худои таоло улуғланган. Бу эса Эркин Воҳидов ижодида мутлақо янги бурилиш бошланганидан далолат берар экан.

Бошида индамасдан, одоб билан чой қуйиб ўтиравердим. Аммо гап чуқурлашгани сари ташвиш-хавотирим орта бошлади. Нима бўлганда ҳам, партия аъзосиман, комсомол нашриёти бош муҳаррирининг ўринбосариман. Худо кўрсатмасин, агар бу гаплар эртага бирон жойга етиб боргудек бўлса...

Шунинг учун масалага ойдинлик киритмоқчи бўлдим.

– Бу машқлар бир ҳавас, катта баҳо бердинглар, раҳмат, — дедим, — аммо, муаллиф ундай юксак мақсадларни ўз олдига қўймаган. Бу ғазалларда оддий инсоний туйғулар, ёш йигит-қизларнинг беғубор муҳаббати, севги-садоқати тасвирланган, холос.

Менинг бу гапим бир умр адлия ходими, судья бўлиб ишлаган, Олий суд аъзоси ҳам бўлган тоғамга ёқмади.

— Ёш бола нарса, бу китобда нима ёзилганини сен қаёқдан биласан? — деди қовоғини солиб.

“КЎП НАРСАНИ БИЛИБ ОЛДИМ...”

Навоий – 30 ёнидаги Маҳмуд мўйловнинг ошхонасида бир неча киши тушлик қилиб ўтирган эдик. Тўрда – Саид Аҳмад ака, ҳаммани оғзига қаратиб гап беряпти.

Бир маҳал шоир, тележурналист А.И. билан “Ёш гвардия” нашриётида ишлайдиган шоир Т.И. бошлашиб ошхонага кириб келишди. Икковининг ҳам кайфи чоғ, чунки кеча оқшом телевизорга чиқиб ўзаро адабий суҳбат қуришган, энди таниш-билишларнинг қутлов-табрикларига қуллуқ айтиб юришган эди. У пайтда телевизорга чиқиш ёзувчи учун космосга чиқишдек бир гап эди.

Оғайнилар Саид Аҳмад ака ўтирган бизнинг даврага яқинлашиб, қўллари кўксида, ширин табассум билан салом беришди.

– Ваалайкум ассалом, – деди Саид Аҳмад ака кулимсираб, – аммо-лекин, аканг айлангурлар, телевизорда кечаги суҳбатинглар зўр бўлди. Айниқса, бир-бирингни “мавлоно”, “малик уш-шуаро” деб улуғлашинг, “мустағний”, “дунёву уқбо”, яна нимайди, ҳа, “руҳ ашжорий” деб Навоий замонидек гапиришларинг, ҳай-ҳай... Шахсан мен жуда кўп нарсани билиб олдим.

Икки дўстнинг оғзи қулоғига етиб, жилмайиб туришибди.

– Сир бўлмаса, нимани билиб олдингиз, устоз? – деб сўради Т.И. тавозе билан.

– Икковингнинг ҳам қазои ҳожатга эҳтиёжинг бор экан-у, улгуролмай қолганингни билдим, – деди Саид Аҳмад ака.

Мавлоно А. билан мавлоно Т. турган жойларида қотиб қолишди.

“ДУМИ”НИ ЎЗИНГ ҚЎЙИБ ОЛАРСАН...”

Бир куни Саид Аҳмад ака нашриётга телефон қилиб қолди:

– Абдулла ака (Абдулла Қаҳҳор) ҳақида хотиралар китоби чиқараётган экансизлар, Кибриё опа мақола ёзиб беришимни илтимос қилган эди, қўлёзмани сенга жўнатяпман, ўзинг кўриб чиқарсан.

– Хўп бўлади, – дедим.

– Фақат бир илтимос, – деди устоз, – мен “дум”ли “ҳ” билан “дум”сиз “х”нинг фарқини билмайман, ўзинг қўйиб оларсан.

– Гап йўқ, хотиржам бўлинг, – дедим кулимсираб.

– Лекин Саид Аҳмад акам жуда тупой экан, деб ўйламаслигинг учун у ер-бу ерига “дум” қўйиб қўйдим, яна қарарсан, – деди у киши ва хайрлашдик.

Икки-уч соатдан кейин қўлёзма етиб келди. Очиб қарасам, барака топкур устоз “Аҳмад”, “ҳаво”, “ҳусн”, “ҳолва”, “ҳамшира” каби сўзларнинг “дум”ини олиб ташлаб, “хат”, “харидор”, “хайрият”, “хавотир” деган сўзларга эринмасдан “дум” қўйиб чиққан экан.

“ҚАНИ, ТЎРНИ БЎШАТИНГ...”

Профессор дўстимиз Ҳасан Бўриев қиз узатаётган эди, наҳорги ошга Саид Аҳмад ака билан бирга бордик. Ош тарқагунча тўй эгасининг ёнида “ҳассакаш” бўлиб турдик. Одам оёғи тинганидан кейин бизни ҳам дастурхонга таклиф қилишди. Саид Аҳмад аканинг ёнида Бўриев домланинг қишлоқдан келган, оппоқ соқоли кўксини қоплаган нуроний қариндоши турарди. Устоз у кишига ҳурмат кўрсатиб, қўймасдан тўрга ўтқазди, кейин ўзи унинг ёнига ўтирди. Биз ҳам жой-жойимизни эгалладик.

– Қани, бобо, фотиҳа қилинг, – деб Саид Аҳмад ака оқсоқол меҳмонга қаради. Оқсоқол қўлини фотиҳага очиб:

– Илая, яшлар ўвали-жўвали бўлсин, сиз ҳам менинг жашимга жетиб журинг, – деб қўнғиротча шевада дуо қилди.

Фотиҳадан сўнг устоз нуроний бобога ихлос ва ҳавас билан тикилиб:

– Отахон, сўраганнинг айби йўқ, нечага чиқдингиз? – деди.

– Менма? Худайим умр берса, шу жил олтмиш экига чиғаман, – деди мўйсафид бамайлихотир чой ҳўплаб.

Бу гапни эшитиб Саид Аҳмад ака бирпас ҳайрон бўлиб турди-да, кейин:

– Э, сизнинг дуоингиз ижобат бўладиган бўлса, мен бундан ўн олти йил бурун ўлиб кетишим керак экан-да! Укахон, менинг ёшим етмиш саккизда, билиб қўйинг. Қани, давай, тўрни бўшатинг, – деди ёлғондакам жаҳл қилиб.

“ЙЎҚ, МЕНИКИ ИТАЛЬЯНСКИЙ”

Коронавирус пандемияси қанчалик даҳшатли бўлмасин, одамзот барибир шу ваҳимали мавзуда ҳам ҳазил-мутойиба қилишга ўзида куч ва журъат топа олди.

Мана, қулоққа чалинган баъзи ажойиб гаплар.

Пандемия бошланган дастлабки кунларда қизиқчи Аваз Охун телевизорга чиқиб айтаяпти:

– Биродарлар, қўрқманглар, бу коронавирус Хитойдан чиққан экан, ҳадемай йўқ бўлиб кетади. Нега дейсизларми? Негаки, Хитойда чиққан нарса узоққа бормайди.

Катта идорада ишлайдиган танишим гапириб беряпти:

– Ишхонамизнинг эшиги олдида иккита дўхтир биттаси фонарчасини ёқиб олиб, ҳар бир ходимнинг томоқ-бурнини текширади, иккинчиси тўппончага ўхшаган асбобини пешонангизга тираб, иссиғингизни ўлчайди. Хуллас, тартиб-интизом жуда қаттиқ. Бир куни хизмат сафаридан қайтиб ишхонага тушлик пайти кириб келдим. Қарасам, дўхтирларнинг қора-қураси ҳам кўринмайди. Ҳайрон бўлиб, вахтёр амакидан сўрадим: “А, бу дўхтирлар тушлик вақтида текширмайдими?”.

Вахтёр бўлса илжайиб: “Ака, бу вирус ҳам соат бирда обедга чиқиб кетар экан”, дейди.

Касаллик энди тарқала бошлаган кўклам ойлари. Вирус Хитойда пайдо бўлиб, Италияда, айниқса, ўлим ҳолатлари авж олган кунлар.

Иккита аёл телефонда гаплашяпти:

– Вой, ўртоқжон, сизга ўхшаб мен ҳам “ковид” бўлиб қолдим, қуриб кеткур ёмон экан, – деса, дугонаси ҳамдардлик билдириб:

– Сизда қанақаси, китайскийми? – деса, буниси оғзини тўлдириб:

– Йўқ, ўртоқжон, меники итальянский, – деб мақтанар эмиш.

Донишмандлар “Инсоният ўз ўтмиши билан кулиб хайрлашади”, дейдилар. Илоҳим, аҳли башарни ҳам куйдириб, ҳам кулдириб ўтаётган пандемия билан тезроқ хайрлашиш барчамизга насиб этсин.

ҲИКОЯ

ҲАЙБАРАКАЛЛАЧИ

Шаҳарчада миш-миш тарқалди.

– Ҳайбар ака тилдан қолибди!

– Қайси Ҳайбар ака?

– Ўзимизнинг Ҳайбар ака бор-ку, Баракаев!

– Ҳа-а… Ҳайбаракаллачи Ҳайбар аками? Йўғ-е?.. Кечагина тадбирда булбулдай сайраётганди-ку?

– Бечора…

Ҳайбар Баракаев ўқитувчиликдан нафақага чиққан маҳалла фаоли эди. Унинг ажойиб бир одати бўларди. Дарс пайти уй вазифасини бажариб, шеър ёдлаб келган ўқувчилар ғингшиб, чийиллоқ ёки хириллоқ овозда ўқишса, қони қайнаб, шарт ўрнидан турарди-да, қўлларини силкитганича ўзи шеър айта бошларди:

Халқ денгиздир,
халқ тўлқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир,
халқ оловдир, халқ ўчдир...

Бу пайтда гўёки момақалдироқ гумбурлаб, мактабнинг томи кўтарилиб кетгандек туюларди.

Домла баланд бўйли, бироз қорин қўйган, доим бўйинбоғ тақиб юрувчи, калласи катта киши бўлиб, сочи қалин ва қаттиқлигидан сал ўсса, тикрайиб қолар ва бошини янада каттароқ кўрсатар эди. Шу сабабли эртага ҳарбий хизматга кетаётгандай доим сочини калта олдириб юрарди. Унинг ниҳоятда кўп билиши, бир даврада ўқиган шеърини бошқа жойда қайтармаслигига қойил қолган тенгдошлари: “Домла, бунча нарсани хотирада қандай сақлаб юрасиз?” деб сўраса, “Каллам катта, кўп нарса сиғади”, деб ҳазиллашиб қўярди.

Баракаев нафақага чиққан йили шаҳарчада кўп қаватли янги уйлар қурилди. Уйга эҳтиёжмандлар орасида тўрт фарзанднинг отаси бўлган домланинг ўзи ҳам бор эди. Янги уйлар ўз эгаларига топшириладиган куни уни алоҳида сўраб қолишди.

Баракаевга жон кирди. Анчадан бери ҳокимни кўриш ниятида эди. Соқол-мўйлабини қириб, оқ кўйлак устидан тадбирлар учун олган костюм-шимини кийиб, бўйинбоғни тақиб, атир сепиб, туфлисигача эътибор берди.

У янги уйлар олдига етиб келганида тумонат одам йиғилган, тадбир бошланиб кетган эди. Баракаевга навбат кечроқ келди. У Эверестни зарб этишни аҳд қилган алпинистдай мағрур минбарга чиқди ва деди:

– Азизларим, бугун дунёда ватан ичра ватансизлар қанча? Айрим давлатларда бир бурда нонга зор бўлиб, кўлмакдан сув ичиб тирикчилик қилаётганлар қанча? Ўзаро урушлар кечаётган мамлакатларда одамлар ўз уйида бехавотир ўтиролмаяпти, кўчага чиқолмаяпти, бешикда ётган болалари бомба портлашидан чинқириб уйғониб кетаяпти. Биз-чи? Худога шукр, тинчмиз, ҳамма нарсамиз етарли! Бозорларимиз тўла, тўкин-сочинлик! Мана, эҳтиёжмандларга узоқ муддатли кредит асосида уйлар бериляпти. Бу жуда катта ғамхўрлик! Бу уйларнинг шароитларини кўринг!.. Азизлар, барчангизга янги уйлар муборак бўлсин! Уйингиз қувонч-у шодликларга, қут-баракага тўла бўлсин!

Гулдурос қарсак чалинди. Ҳатто ҳокимнинг кўнглидан “Мен ҳам шундай чиройли гапирдимми?”, деган фикр ўтди.

– Раҳмат сизга, домла! Юртимизга сиздай юраги ёниб турган кишилар керак! Ёшларга ўрнак бўладиган одамсиз! Маҳаллага ҳам сиздай фидойилар, ёшларни ортидан эргаштира оладиган устозлар керак!

Ҳоким шундай дея Ҳайбар Баракаевга уйнинг калитини топширди.

– Раҳмат, раҳмат! Юрт омон бўлсин! – деди домла. – Биз доим элнинг хизматидамиз. Ўттиз беш йил садоқат билан бир мактабда ишладим. Энди нафақадаман. Насиб бўлса, янги уйда тоат-ибодатимизни қилиб, Яратгандан юртга тинчлик, фаровонлик сўраб ўтирамизда.

– Домла, сиздай одамга уйда ўтириш ярашмайди. Энди маҳаллада ишланг! Тажрибангиздан ёшларга ҳам ўргатинг! Бўшашманг!

– Хўп, ҳоким бува, хўп. Сиз шундай ишонч билдирар экансиз, қараб ўтираманми? Жоним билан ишлайман!

Баракаевга кун туғди — ҳам уйлик, ҳам яна ишлик бўлиб қолди.

У шаҳар биқинидаги қишлоқда яшаб, бир умр шаҳар мактабига қатнаб ишлади. Катта қизини узатиб, бир ўғлини уйлантирди. Улар тиниб-тинчиб кетишган, кичик ўғли талаба, аммо иккинчи қизининг рўзғори синди. Энди каталакдек бир ҳовлида уч оила. Баракаев минбарларда бахтли ҳаёт, фаровон турмуш ва бахтли ёшлар ҳақида сўзласа-да, рўзғоридаги кемтикликдан кўз юмолмасди... У янги уйга хотини, қизи билан невараларини олиб келиш пайида эди.

Ҳокимнинг таклифидан кейин иккинчи режа амалга ошди. Баракаев энди шаҳар, вилоят миқёсидаги тадбирларда, тарғибот гуруҳларида иштирок этар, эртанги кун ҳақида гапирганда бугунги ёшларнинг кечаги авлоддан кўра нақадар бахтли эканлигини эътироф этар, доруломон кунлар бошланганига далолат келтириб чарчамас эди. Унинг тилида мисоллар, хотирасида исботлар ададсиз эди. Аммо бу ҳаммага ҳам ёқавермас, баъзан қўшиб-чатиб оғиз кўпиртиришлари айримларнинг ғашига тегарди. “Бу ҳайбаракаллачи ким ўзи? Осмондан тушганми?” деб бир-бирлари билан шивирлашиб қолишарди

Қиш кунларининг бирида шаҳарчада янги боғча қад ростлаб, фойдаланишга топшириладиган бўлди. Икки кун олдин ёққан қор ҳали эримаган, ҳаво жуда совуқ эди. Аммо боғча иссиқ. Очилиш маросими тадбирлар залида ўтказилди. Бу ернинг шароитларини яхши билган Баракаев очилиш маросимида яна нутқ сўзлади.

– Азизларим, янги уйларда, янгича даврда яшаётган ҳамшаҳарларим! Ташқарида минус фалон даражa совуқ, аммо бу ернинг иссиқлигини қаранг! Танингиз яйрайди! Бу шароитларни кўриб, ўзингиз борган боғчаларни бир кўз олдингизга келтиринг-а! Об-ҳавони айтмайсизми? Бу барака-ку!

– Сал оғир бўлинг! – деди орқадан биров. Аммо домла парво қилмади.

– Бугун ҳаммаси ҳавас қилгулик! Бу шароитларни кўриб, қанийди мен ҳам уч-тўрт ёшда бўлсам, дейман. Қанийди боғчага қатнасам... Ахир яшаган сайин яшагинг келади!

Қарсаклар бу гал янги уйлар топширилгандагидай авжли чиқмади. Аммо Баракаев ўз ишларидан мамнун эди. Тадбирдан қайтаркан қишлоқдаги катта қизининг болаларини ҳам мана шу боғчага беришни ўйлаб, уникига борди.

У тарновда сумалаклар осилиб ётган ҳовлида қизи билан кўришиб, уйга кирди. Остона ҳатлаб ўтаркан димоғига чала ёнган ўтиннинг қўланса ҳиди урилди.

– Уйларинг совуқми дейман… – деди қўлидаги нарсаларни бир чеккага қўяркан.

Қизи отасини кўрпачага чорлади.

– Э, ўлсин, биласиз-ку, қишда газ бўлмайди. Кечадан бери свет ҳам йўқ.

– Куёв қаерда?

– Дорига кетганди. Каттамиз иситмалаб ётибди. Кейин, газимиз ҳам тугаган экан. Газбаллонни тўлатиб келаман деганди.

– Ҳа…

Ота қизининг ҳаётига бир назар солди. Катта невараси йўталиб, кўрпага кўмилиб ётибди, кичкинасини ҳам шунчалар ўраб ташлаганки, фақат кўзи кўринади. Уй бурчагидаги печканинг олови ўчган…

– Шароитларинг қийин экан… – деди ота ичидан зил кетиб.

– Ҳар қишда шу-ку, ота. Ўрганиб кетганмиз. Қишда газ йўқлигига яраша, ҳеч бўлмаса шу свет ўчмасайди...

Баракаев нима дейишини билмади. Чўнтагидан шоколад олиб, невараси узатди.

– Ма, ол, болам! Тузалиб қолдингми?

Невара шоколадни оларкан, жавоб ўрнига қув-қув йўталди. Кейин:

– Бобо, — деди ётган жойида. – Билмайсизми, светимиз қачон ёнади?

Баракаев яна мум тишлади.

– Бобо, зерикиб кетдим. Онам ташқаригаям чиқармаяпти. Кечга свет ёнармикан? Мультфильм кўрардим...

Бобоси жавоб ўрнига лабини чўч-чайтириб, елка қисди. Унинг бу беўхшов ҳаракатидан невара пиқ этиб кулиб юборди.

Баракаев сергак тортди. Невараси нега кулди? Хатти-ҳаракатигами? Бу шунчалар кулгилими? Давраларда, тадбирларда ўз-ўзидан эшилиб, чийралиб кетадиган бийрон тили нега ҳозир айланмади? Билмаслигини билдирмаслик учун сўз ўрнига ҳаракат билан жавоб берганди, невараси шунга кулди. Унинг ҳаракатлари, гаплари бошқаларга қандай таъсир қилар экан-а? Ҳозир куёви келади. У ҳам сўрайди. “Сиз ҳокимнинг ёнида юрган одамсиз-ку, билмайсизми свет нега бунча кўп ўчяпти? Нега қишда газ йўқ?” Савол кетига савол уланади, аммо уларга Баракаев жавоб беролмайди. Шунинг учун тинчгина уйига қайтгани маъқул. Бўлди, шаҳарчадаги уйга ҳам бормайди, унда ўғли билан келини яшасин. Ёшлар яшасин. Уйда газ бўлмаса ҳам, чироқ ўчиб қолса ҳам, бошқа бирор муаммо чиқса ҳам бирор эътироз билдирмайдиган, ҳаммасини жимгина кузатиб, “Ўзингиз биласиз, шароитга қаранг-да…” деб қўядиган ҳалимгина кампири билан қишлоғида яшайверади…

– Ота, нега гапирмайсиз? – деди қизи.

Баракаев секин ўрнидан турди. Синиққина жилмайиб, неварасига қўл силкиди. Қизига ҳам. Уйига қайтди.

Йўлда жуда совқотди, аъзойи бадани қақшади. Пальтосига ўраниб, тулкитери телпагини кўзигача бостириб олди. Ҳатто салом берган кишиларга ҳам гапирмай, шунчаки бош иғгаб қўяверди. Уйга келиб ҳам гапирмади. Эртасига ҳам, индинига ҳам. Ҳатто маҳалладан сўраб келганларга ҳам. Ҳамма ҳайрон эди. Оқибатда шаҳарчада гап тарқалди:

– Ҳайбар ака тилдан қолибди!

– Қайси Ҳайбар ака?

– Ўзимизнинг Ҳайбар ака бор-ку, Баракаев!

– Ҳа-а… Ҳайбаракаллачими? Йўғ-е?.. Кечагина тадбирда булбулдай сайраётганди-ку?..

– Бечора…

Холиёр САФАРОВ.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА:

Холиёр САФАРОВ — 1983 йил 21 февралда Чироқчи тумани, Айритом қишлоғида туғилган.

2005 йилда СамДУнинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган.

“Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналлари ва “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси” ва бошқа нашрларда асарлари мунтазам эълон қилиб борилади.

Биринчи китоби – “Ой ботмаган кечалар” (2010 йил, ҳикоялар), сўнгра “Қанотсиз қушлар” (2015 йил, қисса ва ҳикоялар), “Номус ва ҳаёт” (2019 йил, қисса ва ҳикоялар) номли китоблари чоп этилган.

Айни пайтда “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Илмий-оммабоп телефильмлар” муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари бўлиб меҳнат қилмоқда.

РЕКЛАМА

ФИКРЛАР

ҲАЁТНИ АНГЛАШ

(Кундаликдаги битиклардан)

Мақтанчоқни ҳеч ким ёқтирмайди, бироқ ҳамманинг ҳам ким ва нима биландир мақтангиси келади.

* * *

Пулни тежаш қитмирлик бўлмаганидек, пулни кўп сарфлаш ҳам сахийлик эмас.

* * *

Инсонлар орасидаги муносабатда йўл қўйиладиган энг катта хато бир-бирини тушунмаслик ва тушунишга ҳаракат ҳам қилмасликдир.

* * *

Англаб етган хатоингни ҳадеб кавлаштириб, тинмай дашном бераверишса, сен яна хатоингни такрорлайверасан.

* * *

Пули йўқ баъзида пули кўпга маслаҳат ҳам бериши мумкин. Аммо бу маслаҳат пулдорга, табиийки, ёқмайди.

* * *

Ҳақиқатни айтишдан қўрқиб, ёлғон атрофида ўралашиш, савобдан воз кечиб, гуноҳдан паноҳ сўраб бориш билан тенг.

* * *

У нафақат ёлғон гапиради, балки ёлғон устига яна озгина қўшиб ҳам гапиради.

* * *

Телевизордаги бир кўрсатувда машҳур шахсдан “Сиз ҳам алданганмисиз?” — дея сўрашди. Аслида ул зотдан “Сиз ҳам алдаганмисиз?” — деб сўраш керак эди.

* * *

Ҳақиқат гоҳида айнан юзингга айтилса, худди ҳақоратдай туюлади.

Умид БЕКМУҲАММАД.

РАССОМ ХАНДАСИ

Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Адади: 4002
Буюртма — Г-750
1 2 3 4 5 6
Топширилиш вақти — 21^{00}
Топширилди — 01^{50}

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: А.Аҳмедов. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.